O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 16-fevral, chorshanba ● № 7 (708) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий таълимдан кейинги янгиланган таълим тизимида юқорида келтирилган стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчилар институтига мутахассисликлар бўйича қабул қилинувчилар сони Фанлар академияси, вазирлик ҳамда идораларнинг таклифлари асосида қўмита томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.



3-бет

АЖОЙИБ ТОПИЛМА

Олимлар Шарқий Тимор оролида изланишлар олиб бориб, ажойиб топилмага — ғор деворларига ўйиб ишланган инсон юзи тасвирига дуч келдилар. Бу ўзига хос қадимий тасвирий санъат асарининг ёши тахминан 10-12 минг йилга тенг.

5-бет

ОСУДА ОСМОН ОСТИДА

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу ёш ижодкорлар фақат қизиқарли мавзу танлаш билан чегараланмасдан, инсон қомати мутаносиблиги, мушаклар анатомиясини ҳам чуқур ўрганганликлари, яъни касб сирларини ҳам етарли даражада билишлари асарларида яққол ифодасини топган.

8-бет

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига

ИЛДИЗЛАРИ МУСТАҲКАМ НИҲОЛЛАР

«...Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!»

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1992 йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси парламентининг тўққизинчи сессиясида айтилган бу сўзлар юртимизда таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини ислоҳ қилиш, ўз фикри ва иродасига суянадиган баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги эзгу ишларнинг бошланиши эди.

Давлатимиз раҳбари 1992 йилда чоп этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратиш борасидаги дастурий вазифаларни белгилаб берди. Бунда халқимизнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимдаги Бутунжаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олиниши зарурлигини, олий ва ўрта махсус таълимнинг бутун тизимини тубдан қайта қуриш, мутахассисликлар таркибини жиддий ўзгартириш кераклигини таъкидлайди.

Ўшанда Юртбошимизнинг «Бизда ҳам ўқув юртларининг янги шакллари — гимназиялар, лицейлар, коллежлар ривожланади. Малакали ишчи кадрлар тайёрлаш тизими янги хусусиятларга эга бўлади. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув, илмий марказлари ва фирмаларига ўқишга ва стажировкага юборишга муҳим аҳамият берилади», деган гаплари кимлар учундир балки етиб бўлмас орзудай туюлган бўлса, ажаб эмас. Бу йўналишдаги пухта ўйланган дастурларнинг амалий самараларини бугун эришилаётган юксак марра ва натижалар — ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 1992-1993 йилларда таълим тизимини замонавий мезонлар асосида юксалтириш йўлида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Юртимизда янги олий ўқув юртлари очилди. Ёшлар истеъдодини эътироф этиш, юзага чиқариш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос миллий тизими шакллантирилди. Хусусан, олий таълим талабалари учун Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек номидаги давлат стипендиялари таъсис этилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам равишда фан олимпиадалари, турли танлов ва мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди. Бу ишларнинг оғир ва мураккаб бир пайтда катта ишонч билан амалга оширилгани, шубҳасиз, ёруғ манзил сари ташланган дадил қадам, маънавий жасорат эди.

1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 йил 6 октябрда қабул қилинган «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Президент фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон таълим тизими ўзининг янги даврини бошлади.

Узлуксиз таълим тизимининг жорий қилиниши билан ҳаётимизга коллеж, лицей, бакалавр, магистр, масофавий таълим, педагогик технологиялар, интерфаол усуллар каби янги тушунчалар кириб келди. Энг муҳими, фарзандларимизни чақалоқлик давридан то вояга етгунча аниқ мақсадли дастур асосида жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш тизими яратилди. Бугун мактабгача таълим жараёни махсус «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида ташкил қилинган.

Бу жараён, шартли равишда, чақалоқлик (1 ёшгача), илк ёш (1-3), кичик ёш (3-4), ўрта ёш (4-5), катта ёш (5-6) ва мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш) сингари босқичларда амалга оширилаётир. Ҳар бир босқичда болага жисмоний машқлар, ақлий билим ва маънавият сабоқлари ёшига мувофиқ тарзда ўргатилмоқда. Натижада фарзандларимиз ҳали мактабга бормай туриб, ҳарф танимоқда, муайян спорт тури ёки ҳунар билан машғул бўлмоқда, қайси йўналишда бўлмасин, уларда бошланғич кўникма ва мақсад шаклланмоқда.

3 »

Мамлакатимиз ёшларининг замонавий илм-фан сирлари билан бирга хорижий тилларни пухта ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Ушбу масалага мактабгача таълим-тарбия ва умумтаълим муассасаларида катта эътибор берилаётир.

Бухоро шаҳридаги хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган 19-мактабда машғулотларни малакали ўқитувчи-педагоглар олиб боради. Мактаб ўқувчилари давлат стандартлари асосида пухта билим эгаллаши учун кенг шароит муҳайё этилган.

Суратда: 2-мактабнинг корейс тили ўқитувчиси Марҳабо Нўъмонова 4-синф ўқувчилари билан.

Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

Озод юртнинг обод масканлари

Мафтункор гўша

Юртимизнинг сўлим масканларидан бири — Асака Фарғона водийсининг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан тараққий этган шаҳарларидан бири ҳисобланади.

Бугунги Асаканинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Шаҳар халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатларини ўзида мужассам этиб қад ростлаётган бетакрор масканга айланмоқда. Мамлакатимиз автомобиль саноати маркази бўлиб танилган шаҳарнинг шуҳратини айтмайсизми...

Вилоятдаги турар жой даҳаларининг коммунал инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ ажратилган 1 триллион 696 миллиард сўм маблағдан 31 миллиард 700 миллион сўми Асакани замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида янада равнақ топтириш учун сарфланиши кўзда тутилган. Шаҳарнинг бугунги меъморий қиёфасини янада яхшилашда, аҳоли турмуш даражасини оширишда бундай имконият муҳим моддий таянчдир.

Айни пайтда Асакада асосан 11 йўналиш бўйича қизғин бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Ажратилган маблағнинг ярмидан кўпроғи аҳоли турар жойларини яхшилашга сарфланади, 27 минг квадрат метр турар жой қурилиб, 700 дан ортиқ янги оила уй-жой билан таъминланади. Шу билан бирга, шаҳар ҳудудидаги 81 та катта-кичик кўчаларни таъмирлашга 1 миллиард 135 миллион сўм ажратилган. Аҳолига турли сервис хизматларини кўрсатишни кўпайтириш мақсадида 70 га яқин объектларнинг ишга туширилиши мўлжалланмоқда.



Агар бунёдкорлик ишлари кўлами шу зайлда олиб борилса, ўйлаймизки яна бир неча йиллар ўтиб Асака шаҳри бугунгидан-да чиройли ва обод бўлади. Одамларнинг турмуш фаровонлиги янада ошади.

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ, Ўзбекистон тарихчилар жамиятининг Андижон вилояти бўлими раиси

Таҳлил

Инвестиция — тараққиётнинг устувор йўналиши

Сўзимиз аввалини дангал рақамлардан бошласак: 2010 йил якунларига кўра, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга ўсди. Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспорт таркибини диверсификация қилиш, янги ташқи бозорларни фаол ўзлаштириш экспорт ҳажмининг 10,8 фоизга ўсишини таъминлади. Умуман олганда, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам суръат ошди, кўрсаткичлар салмоқли бўлди.

Саноат корхоналарини энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш, илғор илм-фан ютуқлари ҳамда инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жадал татбиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш ва шу орқали саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириб, бозор конъюнктураси ўзгаришларига суръат бағишлаш давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорининг ўзак масалалари сирасига кирди. Бошқача айтганда, мазкур қарор мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнининг мантиқий давоми бўлиб, саноатни барқарор, жадал ва мувозанатли ривожлантириш вазифасини қўйди.



2 »

Инвестиция — тараққиётнинг устувор йўналиши

(Бошланиши 1-бетда.)

Айтиш жоизки, ушбу вазифанинг мазмун-моҳияти, аҳамияти Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам, ундан аввалроқ Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилинган маърузасида ҳам батафсил таҳлил этилган эди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини ўрганар эканмиз, унда ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, саноат корхоналарини мамлакатимизнинг барча ҳудудларига мақбул равишда жойлаштириш масалаларига алоҳида урғу берилганини кўрамиз. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизга четдан олиб келинаётган импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини яратиш ва шу йўл билан одамларнинг турмуш тарзини фаровонлаштириш чора-тадбирлари пухта ишлаб чиқилганидан далолатдир.

Маълумки, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларини тизимли тарзда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Айни шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қарорида кўзда тутилган мамлакатимиз саноатини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини молиялаштириш манбалари ҳам аниқ белгиланган. Бу, табиийки, саноатда амалга ошириладиган ҳамда амалга оширишга тайёрлаб қўйилган инвестиция лойиҳалари рўйхати ва ишлаб чиқиш босқичида бўлган янги инвестиция лойиҳалари, ҳатто олдиндан ишлаб чиқилаётган истиқболли инвестиция лойиҳаларини ўз ичига олади. Зеро, Юртбошимиз Концепция тўғрисидаги маърузасида бу ҳақда алоҳида таъкидлади: "Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш — чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвестициялар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратганимизни алоҳида қайд этмоқчиман".

Бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, корхоналарга инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда унинг техник иқтисодий асоси ҳамда иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бирга, саноат объектларига туташ муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларида қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳуқуқи ҳам берилди.

Экспорт хулосалари асосида тузилган ва белгиланган тартибда рўйхатга қўйилган шартномалар бўйича ишлаб чиқариш муддати узоқ бўлган ускуналарни харид қилиш учун тегишли аванс пуллари ажратилаяпти. Тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси инвестиция томонидан лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун имтиёзли кредит маблағлари берилмоқда. Эътиборли томони, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида четдан олиб келинадиган ва республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар 2016 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларини тўлашдан (расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод этилди.

ДАЛИЛЛАР

✱ "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорда саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

✱ Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтириш мўлжал қилинган.

✱ Машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш таъминланиб, ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилиши кутилаяпти.

✱ Тўқимачилик саноатида экспортбоп, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, якуний ишлаб чиқариш шаклидаги замонавий тўқимачилик комплекслари барпо этилиши назарда тутилган. Бу пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини икки баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3, тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлайди.

Шунингдек, яқин беш йил ичида инвестициялар шарофати билан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлар, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича янги, замонавий газ-кимё комплекс (мажмуа)лари бунёд этилади, деган гап.

Энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида минерал ўғитлар ва янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал тус олади. Эскирган ускуналарни замонавий буғ-газ қурилмаларига алмаштириш ҳисобидан энергетика тармоғини жадал ривожлантириш ва юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида эътиборда бўлади. Бир сўз билан айтганда, саноатда таркибий ўзгаришлар чуқурлаштирилиб, унинг асосий тармоқлари диверсификация қилинади.

Кўриб турибсизки, мамлакатимиз саноатини ривожлантиришга оид бу каби кўпдан-кўп устувор йўналишларнинг барчаси республикамизда ижросини топаётган инвестиция сиёсати билан чамбарчас боғлиқ. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида таъкидлаганидек, "Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир".

ҚИЁС

✱ Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уйжой қурилиши, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини амалга оширилиши 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп бўлди. Бу бизга қиймати 9,7 миллиард АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестицияларни ўзлаштириш имконини бериб, ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этди. 1098 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, 296 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муваффақиятли якунланди.

✱ 2011 йилда халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

✱ Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 дан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

✱ Лойиҳалаштирилган инвестициялар таркибида газни қайта ишлайдиган замонавий завод, (Қандим гуруҳи, Хаузак ва Шоди карьерлари), истиқболли углеводород хомашё конлари бўлиб, уларда катта геологик қидирув ишлари олиб борилади.

✱ Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этилади. Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил қилинади.

Буларгина эмас, яқин келажакда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш, "Туябўғуз-Бекобод" ичимлик сув таъминоти тизимини барпо этиш, Наманган шаҳрида канализация ишларини кенгайтириш, Деҳқонобод калий ўғитлари заводи ва Устюрт газ-кимё комплексининг иккинчи босқичини қуриш энг муҳим лойиҳалар қаторида турибди. 2011 йилда 35 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш корхонаси қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилган. "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда йилига 225 минг дона автомобиль кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхона, Қўқонда "Индорама" компанияси билан ҳамкорликда якуний ишлаб чиқариш шаклига эга тўқимачилик комплекси қад кўтаради. Умумий қуввати 30 минг тонна калава ишлаб чиқарадиган бир қатор тўқимачилик комплекслари вужудга келади.

Тошкент шаҳрида кўп ўринли "Мерседес-Бенц" йўловчи автобусларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва "Шўртан нефть-газ" унитар корхонасида 400 минг тонна суюлтирилган газ ва газ конденсатини ҳосил қиладиган қурилмаларни ўрнатишдек улкан ишларга қўл урилади. Олмалиқ ва Навоий комбинатларининг ишлаб чиқариш қувватларини техник қайта жиҳозлаш, Бекобод металлургия комбинатини модернизация қилиш сингари яна ўнлаб ўта муҳим лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланган. Айни чоғда ҳар йилгидек 2011 йилда ҳам халқаро молия институтларининг хорижий инвестициялари йўналтирилган ижтимоий объектлар (мактаблар, шифохоналар, реабилитация марказлари)ни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш изчил давом эттирилади.

Бири биридан хайрли, жозибадор рақамлар чоғиштирилаётган бир пайтда, аниқроғи, шу йилнинг 8-10 февраль кунлари Президентимиз Ислом Каримов Япония бош вазири Наото Кан таклифига биноан Токиода бўлиб қайтди. Ташриф давомида сиёсат, савдо, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳалар қатори инвестицион-сармоявий соҳада ҳам ҳамкорлик истиқболлари тўғрисидаги Ўзбекистон—Япония Қўшма баёнотига имзо чекилди. Хусусан, савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорлик ривожи алоҳида эътиборда бўлди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида меморандум ва бошқа ўнлаб ҳужжатлар имзоланди. Иқтисодий ҳамкорлик юзасидан Ўзбекистон — Япония, Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг қўшма йиғилишидан сўнг бўлиб ўтган бизнес-форум якунлари Япония ишбилармонларининг Ўзбекистондаги сармоявий салоҳиятга жуда катта қизиқиш билан қараётганликларини ёрқин намоён этди.

Ана шу жараёнларни кузатаётиб, беихтиёр, 2002 йилнинг июлида Токиода имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Ўзбекистон — Япония Қўшма баёноти эсимга тушди. Ўтган йилнинг 3 май куни эса давлатимиз раҳбари Наото Канни Оқсаройда қабул қилган эди. Ўшанда Япония Ўзбекистон иқтисодиётига ўтган йиллар давомида 2 миллиарддан зиёд АҚШ доллари миқдорида молиявий ресурслар жалб қилгани ҳақида таъкидланганди. Айни ўша кунлари Тошкентда ўтган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар Кенгашининг 43-йиллик мажлиси доирасида ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICA ўртасида қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг янги кредит битими имзоланган эди.

Юртбошимизнинг кунчиқар мамлакатига бу галги ташрифи чоғида ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг нефть-газ, кимё, нефть кимёси, энергетика, машинасозлик, тўқимачилик каби жадал ривожланаётган соҳаларига Япония технологиялари ва сармояларини жалб этиш диққат марказида бўлди. "Токио-Мицубиси", "Сумитомо-Мицуи" банклари билан қўшма лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистонга узоқ муддатли имтиёзли иеналик кредитлар ажратилиши назарда тутилиб, Қарши-Термиз темир йўли йўналишини электрлаштириш лойиҳаси ижросига японияликлар ҳамкорлар фаол молиявий ёрдам берадиган бўлди.

Худди шунингдек, ўтган йилнинг 3 май куни Президентимиз яна бир кучли ҳамкоримиз — Хитой Халқ Республикасининг молия вазири Се Сюйженни ҳам қабул қилиб, биргина 2009 йилда икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард доллардан ошгани, мамлакатимизда 225 га яқин Ўзбекистон-Хитой қўшма корхоналари фаолият юритаётгани таъкидланганди.

Бугунги кунда Навоий шаҳрида бўлиб, шаҳар аэропорти базасида вужудга келаётган халқаро мультимодель логистик марказини кўрган кишининг ҳайрати ҳам, ҳаваси ҳам ошиши табиий. Кореянинг "Кореан-Эйр" компанияси ҳамкорлигида бунёд этилаётган мазкур марказ Ўзбекистонни Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё билан боғлайдиган кунлари ҳам яқин.

Ёки Малайзиянинг "Petronaj" компанияси билан йўлга қўйилган ҳамкорликни олайлик. Ўзбекистонда 2006 йилда ваколатхонаси очилган ушбу компания "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудларида (жумладан, Оролбўйида) йирик-йирик геологик қидирув ишлари лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Жуда катта молиявий ва техник имкониятга эга Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан ҳамкорлик натижалари кўзни қувонтиради. Бугунги кунда 67 та давлат, чунончи, Осиё-Тинч океани минтақасининг 48 та, Европанинг саноати ривожланган қатор мамлакатлари, қолаверса, Канада ва АҚШ ана шу банкнинг фаол аъзолари сирасига киради. Бошқача айтганда, Ўзбекистон бугунги кунда Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлган мамлакатларнинг аксарияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиб, инвестициялар жалб қилиш борасида пешқадам давлатлар сафида турибди.

ОТБга оид рақамларга кўз ташлаб кўрайлик: унинг 1996 йилдан буён Ўзбекистонга ажратган кредит ресурслари ўтган йилнинг май ойига қадар бўлган ҳисобга кўра 1 миллиард 200 миллион АҚШ доллари миқдорини ташкил этди. Бу маблағ ҳисобига 520 миллион долларлик ортиқ ҳажмдаги 11 та лойиҳа амалга оширилди. Умумий миқдори 600 миллион доллардан зиёд 15 та лойиҳани ўзлаштириш ишлари давом этмоқда. Ўтган йили Тошкентда бўлган ОТБ Бошқарувчилар Кенгашининг 43-йиллик мажлиси доирасида жами қиймати 1 миллиард 150 миллион доллардан ортиқ яна 4 та кредит шартномаси имзоланди. Бу — ОТБ Ўзбекистонда ўз кредит портфелини 2 баробар оширди, деганидир. Демак, Ўзбекистон инвестиция киритиш борасида ишончли ҳамкор сифатида ўзига ишонч орттирган мамлакатдир.

Президентимиз мамлакатимиз тараққиётининг муҳим йўналишларини белгилаб берган мазкур Концепцияда уқтириб ўтганидек, "Жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади".

Намоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. "Шуманайшаҳарлараротранс" корхонасига лизинг асосида "ISUZU" русумли ўнта автобус олиб келинди ва йўловчилар хизматига сафарбар этилди.

АНДИЖОН. Вилоятдаги "Эверест реал имкон фаворит" масъулияти чекланган жамиятда Германия ва Хитой Халқ Республикасидан келтирилган ускуналар ўрнатилгач, металл қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда ҳадемай иш икки сменада ташкил этилади. Бу марра забт этилгач, ҳар суткада 60 тонна металл қувур тайёрланади ва яна 30 та қўшимча иш ўринлари яратилади.

БУХОРО. Вилоят ҳокимлигининг «Молия, бухгалтерия, солиқ ва банк» йўналишидаги ишчи гуруҳи аъзолари Жондор иқтисодиёт коллежи ўқитувчилари, ўқувчилари ва отаоналар билан учрашдилар. Тадбирда ўқувчиларни касбга тайёрлаш, танланган соҳага қўникма ҳосил қилиш масалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ўрганилди.

Бу йил коллежни битирувчи 193 нафар йигит-қизларни ишга жойлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

САМАРҚАНД. Жорий йилда "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам" шиори остида Самарқанд шаҳрида 8 миллион туп кўчат экиш ва парваришлаш бўйича амалий ишларга қўл урилди.

НАМАНГАН. Мингбулоқ туманидаги "Ўхуд" фермер хўжалиги раҳбари Баҳриддин Мамадалиев уч йил илгари Голландиядан бир неча бош маҳсулдор сигир олиб келганди. Бугун уларнинг сони 235 бошга етди. Муҳими, фермер хўжалиги ўтган йили уларнинг ҳар биридан 4300 литр сут соғиб олинди.

ФАРҒОНА. Олтиариқ туманида касаначилик асосида янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Туман ҳокимлиги бу масалага ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий фуқаролар йиғинлари ҳамда йирик тадбиркорларни жалб қилмоқда. "Ишонч" масъулияти чекланган жамият қошида касаначиликка асосланган иккита янги нон пишириш цехи ҳам ташкил этилди. Касаначилар технологик ускуналар билан таъминланди. Шундай қилиб яна 15 киши доимий иш билан таъминланди.

ХОРАЗМ. Вилоят марказидаги "AL-BEVAZI ELEKTRIK" илмий ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган юқори ва паст кучланишли трансформаторлар ҳамда электр двигателларига талаб юқори. Трансформаторларни тайёрлашда фойдаланиладиган хомашёнинг асосий қисми Германия, Россия, Хитойдан келтирилмоқда. Маҳсулот турларини кўпайтириш эвазига яқин вақт ичида корхонада яна ўнлаб янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

ҚАШҚАДАРЁ. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ташаббуси билан 160 нафар йигит-қиз медиамактаб, ёш тадбиркорлар форуми, дастурчилар учун тренинг, ўзбек, рус, инглиз тилларида инкор ва инкорни-инкор қилувчи баҳсталаблар гуруҳи йўналишларида ўз билимларини синовдан ўтказишди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги "Сиёсий таълим маркази", Миробод туман кенгаши партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва электорат вакиллари учун доимий фаолият юритувчи семинар бўлиб ўтди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47, Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ИЛДИЗЛАРИ МУСТАҲКАМ НИҲОЛЛАР

(Бошланиши 1-бетда.)

Президентимиз Ислом Каримов 1998 йилда «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида агар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилса, биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га эришамиз, деганди. Бу, биринчи навбатда, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилишини, натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаришини таъкидлаганди.

Бундан ўн беш-йигирма йил олдинги, айниқса, қишлоқ ва маҳаллалардаги болаларнинг машғулотини эсланг: кимдир тўп тепиб ойна синдирган, ёғоч милтиқ кўтариб «уруш-уруш» ўйнаган, тўрт-беш бола бирорта саёқ мушукни тутиб олиб «бигиллатган»... Бугун ўша кўчалар сокин. Нега? Чунки, ҳозир бекорчи болани топиш қийин: у қайсидир тўгаракда ё ҳунар ўрганади ёки спорт билан шуғулланади, асосийси, ўз келажагини қуриш учун аллақачон йўлга чиққан. Ёшлар тафаккуридаги иқлимнинг ўзгаргани, дунёқарашнинг юксалаётгани — мана шу эмасми?!

Мактабларимиздаги туб ўзгариш ва янгиланишларни олиб кўрайлик.

Мустақилликнинг илк йилларида юртимизда жами 8 минг 333 мактаб бўлиб, унинг 3 минг 525 таси мослаштирилган биноларда — эски шийпон ёки қандайдир бирор идоранинг собиқ иморатида жойлашганди. Шундан 1 минг 167 таси маҳаллий аҳолининг имкониятлари доирасида, 40-60 йил давомида ҳашар йўли билан хом ғишт ё пахса девордан тикланган эди. Уларнинг 80 фоизи капитал таъмирлашга муҳтож, ярмидан кўпи газлаштирилмаган, 44 фоиз мактабга ҳатто тоза ичимлик суви ҳам келтирилмаган эди.

Бу гаплар бугун энг замонавий бинодаги мактабнинг кенг ва ёруғ хоналарида, сўнгги русумдаги ахборот технологиялари ва педагогика жиҳозлари воситасидаги интерфаол усулда билим олаётган болалар учун олис замоннинг афсонасидай туюлиши мумкин. Бироқ тарихан қисқа даврда амалга оширилган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури туфайли юртимиз мактаблари шаклан ва мазмунан янгилангани айни ҳақиқат.

Мустақиллик йилларида 1 минг 559 мактаб биноси янгидан қурилди, 8 минг 213 таси таъмирланди. Бугун аксарият мактабларда фан лабораториялари, ижодиёт ва спорт тўгараклари мавжуд, 70 фоизга яқин мактаб компьютерлар билан таъминланган. Жорий йилда биргина Жанубий Корея Эксимбанкининг 30 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан умумтаълим мактабларида қўшимча равишда яна 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланади.

Ўйлаб кўрайлик: бундан ўн-ўн беш йил олдин мактабларимизнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини ким тасаввур қила олар эди? Уларнинг спорт инфратузилмасига эга бўлиши, мактаб ҳаётига интернет тизими кенг кириб бориши кимнинг тушига кирган?!. Қувонарлиси, жорий йилда юртимизда «Электрон таълим» миллий тармоғини барпо этиш ишларини ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда. Бу барча таълим муассасаларининг ягона ахборотлашган компьютер тармоғига уланиш имконини беради.

— Илгари хароба бир бинода жойлашган мактабимизда ўқувчиларга оддий кимёвий реакцияни амалиётда кўрсатиш имкони ҳам йўқ эди. Бугун эса замонавий қиёфадаги билим масканимизда қўйман-изланаман деган бола учун барча шарт-шароит мавжуд, — дейди Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб-интернат директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Камолидин Ғопиров. — Ўқувчиларимизнинг деярли барчаси юртимиздаги олий ўқув юртларига кирмоқда, АҚШ, Японияда нуфузли университетларда ўқийди. Энг муҳими, мактаб — ўқувчилар учун келажак пойдевори қуриладиган мўътабар масканга, ёшларга билим бериш эса ўқитувчилар учун ҳаёт мазмунига айланди.

Ҳа, илгари мактабда фақат дарс ўтилади, деган тушунча мавжуд эди. Бугун ўқувчилар дарсдан сўнг фан, ижодий, техник ва ҳунармандчилик каби қатор йўналишлардаги тўгаракларда ўз иқтидори ва салоҳиятини юксалтириш имкониятига эга. Ҳозир юртимиз мактабларида ўқувчиларнинг ҳар уч нафаридан бири спорт билан мунтазам шуғулланаётгани ғоят қувонарлидир.

Президентимиз «портлаш эффекти»нинг самарасида инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиши тезлашади, деганди. «Ҳар кандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, Ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади», деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Илгари мактабни битирган бола олий ўқув юртига кирса кирар, кўп ҳолларда аттестатли бекорчилар қаторидан жой оларди. Ўрта махсус таълим тизимининг самараси шундаки, ҳар бир ёш, ҳеч бўлмаганда, қайсидир ҳунар сирларини ўрганиб, бирор касб-корнинг бошини тутмоқда. Уларни иш билан таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Жорий йилда юртимиз касб-ҳунар коллежларини 450 мингдан ортиқ ўқувчи тамомлайди. Давлатимиз раҳбари яқинда йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» маърузасида 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олиш, ўқитувчилар билими ва малакасини юксалтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасидаги бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, "корхона — коллеж" ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, коллеж ўқувчиларини аниқ бир иш жойига бириктириш зарурлигини таъкидлади.

Бугун юртимизда илгари ёшларимиз орзу ҳам қила олмайдиган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари университетлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банкмолия, Ички ишлар, Куролли Кучлар академиялари, Кончилик институтлари очилди. Халқаро Вестминстр университети, Турин политехника университети, Сингапур Менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети каби нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил қилинди. Икки ёки уч тилни билиш, дунёдаги нуфузли дорулфунунларда таҳсил олиш одатий ҳолга айланди.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида кескин рақобатда ютиб чиққан мутахассисигина олдинга қадам ташлаши мумкин. Бошқача айтганда, куч — билим ва тафаккурда экани амалда намоён бўлаётир.

Юртбошимиз "портлаш эффекти" деганда жамиятимизда мустақил фикрловчи, ўз ақли, ўз тафаккури, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайдиган Баркамол Шахснинг шаклланишини назарда тутган. Ҳар қайси инсондаги муайян интеллектуал салоҳиятни, ички қувватни юзага чиқариш учун зарур шарт-шароит яратилиши жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этишини таъкидлаган.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар танаффус, чегара ва поён билмайди. Шу маънода бугун таълим муассасаларида барпо этилган моддий-техник базани янги ва замонавий мазмун билан узлуксиз бойитиб бориш — долзарб масала.

— XXI асрда таълим ахборот-коммуникация технологиялари ва масофали таълим асосида ривожланиб боради, бу эса биздан инновацион жараённинг фаол иштирокчиси бўлишни тақозо этаётир, — дейди Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари, профессор Ўткир Толипов. — Бунинг учун, аввало, ўқитувчини "билимни узатувчи" ролидан ижодкор устоз даражасига кўтариш керак. Чунки бугунги ўқувчига ҳар дарсда янги фикр, янги маълумот, янги услуб лозим. Шунингдек, таълимнинг барча иштирокчилари — ўқувчи, педагог, ота-она, таълим муассасалари ўртасида тенг жавобгарлик ҳисси шаклланса, ёшлардаги мавжуд иқтидор ва қобилият тўлиқ юзага чиқади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиздаги бугунги миллий таълим тизими жисмонан, ақлан ва маънан етук, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир баркамол шахсни вояга етказишга йўналтирилган. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир.

...Ҳар куни ўғил-қизларимизнинг спорт, санъат, илм-фан, ишлаб чиқариш, умуман, қандайдир йўналишдаги ютуғидан хабар топамиз. Бу — Оллоҳ ато этган қобилият ва иқтидорини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун бахшида этаётган баркамол авлоднинг муваффақияти, йигирма йил олдин қўйилган тамал тошига муносиб миннатдорлигидир. Зотан, илдизи она заминдан узилмаган ниҳоллар ҳамиша куртак ёзиб, кўкка бўй чўзиб, ҳосил бераверади.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА шарҳловчиси

✓ Фаолият

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида вазирликлар, идоралар, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар, уюшмалар, компаниялар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари зиммасига илмий-амалий ишланмалар, инновацион технологияларни ҳаётга кенг жорий этиш вазифаси юклатилган.

Қарорда инновацион ишланмаларни техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш механизмларини яратиш, илмий тадқиқот муассасалари ва реал иқтисодиёт тармоқлари ўртасида узвий ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида ҳар йили "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси"нинг ўтказилиши алоҳида қайд этилган. 2008-2010 йилларда ўтказилган бундай ярмаркаларда кейинги 5 йилда давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган 6 мингдан ортиқ фундаментал лойиҳалардан 2 мингдан зиёдроғи танлаб олиниб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича 41,7 миллиард сўмлик 1196 та шартнома тузилди. Ушбу шартномаларнинг амалга оширилиши натижасида 74,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда илмий тадқиқот ва инновация фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларнинг ҳам муносиб ўрни борлигини таъкидлаш керак.

Шу кунларда республикамиздаги 83 та илмий тадқиқот ва 66 та олий таълим муассасасида "Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати"даги 553 мутахассисликнинг 269 тасида аспирантура, 128 тасида докторантура фаолият юритмоқда. Аспирантлар сони 2540 нафарни, докторантлар сони эса 260 нафардан кўпроқни ташкил этади.

Ўтган йили олий таълимдан кейинги таълимнинг самарадорлигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг "Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2010 йилнинг 10 ноябридан бошлаб олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида олий таълимдан кейинги таълимнинг янгиланган тизими жорий этилиши белгиланди. Унга кўра, аспирантура ўрнига уч йилга мўлжалланган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти, докторантура ўрнига эса тадқиқотлар йўналишидан келиб чиқиб, 2-3 йилга мўлжалланган катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этилди. Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб эса қайси босқичдалигидан қатъи назар, аспирантура тизимида таълим олаётган барча аспирантлар стажёр-тадқиқотчи-изланувчи лавозимига ўтказилиб, ойлик маоши илмий-тадқиқот институтларида фаолият юритаётган стажёр-тадқиқотчиларнинг ойлик маоши миқдорига тенглаштирилди. Худди шу каби докторантлар ҳам, таълим босқичидан қатъи назар, катта илмий ходим-изланувчи лавозимига ўтказилди. Уларнинг ойлик маоши фан номзоди даражасига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маоши миқдорига етказилди.

Шунингдек, эндиликда илмий, илмий педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш билан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси шуғулланадиган бўлди.

Олий таълимдан кейинги янгиланган таълим тизимида юқорида келтирилган стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчилар институтига мутахассисликлар бўйича қабул қилинувчилар сони Фанлар академияси, вазирлик ҳамда идораларнинг таклифлари асосида қўмита томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

Албатта, фанни бошқариш ва мувофиқлаштириш тизимида ютуқлар билан бир қаторда ҳали ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжуд. Уларни бартараф этиш учун биринчи галда олий таълим, академик, тармоқ илмий муассасалари ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигидаги иқтисодиёт тармоғини шакллантириш ёки ишлаб чиқаришда ўсишни таъминлайдиган тармоқлараро йирик лойиҳаларни яратиш лозим бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда тадбиркорлар ва барча истеъмолчиларнинг илмий тадқиқотлар натижаларига бўлган талабларини ўрганиш, якунланган илмий тадқиқотлар натижалари ахборот базасини яратиш ҳамда вазирликлар, идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг улушли маблағларини жалб қилган ҳолда иқтисодиёт тармоқларининг ижтимоий, иқтисодий ривожланишини таъминлашга йўналтирилган инновация лойиҳалари танловини ўтказиш лозим. Қолаверса, интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, технологиялар трансферини жадаллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро мужассамликни таъминлайдиган инжиниринг-консалтинг марказлар, технологик ва илмий парклар меъёрий базаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида, илмий тадқиқот муассасалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ўртасида манфаатли ҳамкорлик механизмини шакллантириш ҳам ўта муҳимдир.

Ашраф МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи

Ҳурматли юртдошлар!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги "Ишонч телефони"га, шунингдек, "008" қисқа рақамига қўнғироқ қилинг.

Адлия идоралари мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

1	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	Код: 8371	236-26-99, 233-47-68, 236-05-09, 236-79-24
2	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	Код: 8361	223-34-00, 223-71-93
3	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси	Код: 8371	262-92-42, 269-14-45
4	Андижон вилоят адлия бошқармаси	Код: 8374	224-45-94, 222-30-89
5	Бухоро вилоят адлия бошқармаси	Код: 8365	223-74-16, 223-21-20
6	Жиззах вилоят адлия бошқармаси	Код: 8372	771-64-71
7	Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси	Код: 8375	223-01-64, 223-01-73
8	Навоий вилоят адлия бошқармаси	Код: 8436	223-80-47, 223-01-38
9	Наманган вилоят адлия бошқармаси	Код: 8369	226-51-93, 226-36-62, 226-78-93
10	Самарқанд вилоят адлия бошқармаси	Код: 8366	233-04-62, 233-13-59
11	Сирдарё вилоят адлия бошқармаси	Код: 8367	235-09-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50
12	Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси	Код: 8376	223-26-84
13	Тошкент вилоят адлия бошқармаси	Код: 8371	280-50-98, 280-51-06, 253-30-02, 280-50-96, 280-51-04, 253-82-61
14	Фарғона вилоят адлия бошқармаси	Код: 8373	224-15-49
15	Хоразм вилоят адлия бошқармаси	Код: 8362	226-86-47, 226-65-50

E-mail: info@minjust.gov.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Сўранг, жавоб берамиз

АЁЛЛАР МЕҲНАТИ ҚОНУН МУҲОФАЗАСИДА

Меҳнат қонунчилигида аёлларга бир қанча имтиёзлар яратилган бўлиб, бу хотин-қизлар меҳнатини қонун билан кафолатлар экан. Ушбу имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

С.АҲМЕДОВА
Шайхонтоҳур тумани

Мамлакатимизнинг Асосий Қонунида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ирқи, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли экани белгилаб қўйилган. Жумладан, Конституциянинг 46-моддасида: "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир" деб қайд этилган.

Қонунларимизда аёлларга, айниқса, болали аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, меҳнатни оналик ва болалик билан уйғунлаштириб олиб боришга имкон берадиган муайян енгиллик ва имтиёзлар белгиланган. Масалан, Меҳнат кодексига мувофиқ, меҳнат шароити ноқулай ишларда, шу жумладан, ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади.

Тиббий хулосага кўра, ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёхуд улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, енгилроқ, ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади. Шунингдек, ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш, хизмат сафарига юбориш мумкин эмас. Уларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади. Бунда аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парвариш таътилидан кейин берилади. Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилади. Бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга (унинг хоҳишига кўра), боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аёлларга давлатимиз томонидан бошқа турдаги имтиёзлар ҳам берилган бўлиб, бу пенсия таъминоти, қўшимча дам олиш кунлари, шунингдек, оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ масалаларда кузатилади.

Муҳайё АЛИЕВА,
Умида БОЗОРОВА,
Тошкент шаҳар давлат нотариал идораси нотариуслари

Солиқ

Қарор ижросини таъминлаш йўлида

Жорий йилнинг 7 январь санасида Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида 66 та фаолият турлари рўйхати тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилингунча давлат рўйхатидан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг 169 тури ҳисобга олинган эди. Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб эса, уларнинг 77 тури қисқартириладиган бўлди. Шунингдек, ушбу муддатдан эътиборан тасдиқланган рўйхатга кирмаган фаолият билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сони қисқариши ёки рўйхатга олинганларнинг 10 фоизи ўз фаолиятини тўхтатиши мумкин. Шунинг учун ҳам фаолияти тўхталадиган якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини инвентаризациядан ўтказиш, тасдиқланган фаолият турларига мос келмайдиган тадбиркорларни бошқа фаолият турига ўтишлари ёки юридик шахс шаклида иш бошлашларини таъминлаш талаб этилади. Шу билан бирга, бозор ва савдо комплекслари ҳудудида ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни аниқлаш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қатъий белгиланган солиқни тўлиқ ундириб бориш тадбирларини амалга ошириш зарур. Мазкур ишларни амалга ошириш солиқ органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу, ўз навбатида, юрт равнақи ва фаровонлигига хизмат қилади.

Амриддин МАҚСАДОВ,
Шайхонтоҳур тумани ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Нуқтаи назар

ОАВ истиқболи йўлида

Мамлакатимизнинг ривожланиши, олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятининг юксаклигига боғлиқ.

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда ахборот эркинлигини таъминлаш, одамларда ўз фикр ва мулоҳазаларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этиш кўникмасини шакллантириш орқали эришилади.

Шу боис мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охирги 10 йилда ОАВни янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётида аҳолининг барча қатламларининг иштирокини таъминлашга йўл очиб берди.

Маълумки, ахборот узатишда янги инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, уларни илм-фан ютуқлари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бориш бугунги кун талабларидан биридир. Халқаро ҳамжамият нормаларидан келиб чиққан ҳолда нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор жамоат ташкилотларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситаларини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидан.

Айни пайтда Ўзбекистонда барча ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланиладиган сунъий йўлдош алоқа тармоғи кенг жорий этилди. Унинг воситасида бутун дунё билан телерадиодастурлар алмашинуви амалга оширилмоқда, ўзбек халқининг маданияти, тарихи, адабиёти, санъати, хуллас, ўтмиши ва бугунги куни ҳақидаги ҳаққоний ахборотлар кенг ёритилмоқда. Аввалари республикамиз ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган одамлар ҳозирда унинг тарихий обидалари, адабиёти ва санъати намуналари билан танишиш имконига эга бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хорижлик сайёҳларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқишини янада кучайтирмоқда.

Юртбошимиз 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида республикамизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларга тўхталиб, шу билан бирга оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлиги билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Шу билан бирга, маърузада ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ва кейинги босқичларда уни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини тубдан такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Бу тадбирлар давлатимиз раҳбари қайд этганидек, «фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиришга хизмат қилади».



Маълумки, қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги маълумотлардан мунтазам хабардор бўлиб боришини таъминлаши лозим. Унинг жорий этилиши орқали ижро ҳокимияти органлари фаолияти, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқ-ошкоралигини, бугунги кунда мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлашга хизмат қилиши назарда тутилади.

Бугунги кунда телерадиокомпаниси соҳасидаги фаолият оммавий ахборот воситалари, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинмоқда. Аммо, уни мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши, телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равишда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги қонунни кучга киритиш заруратини туғдирмоқда.

Бу қонун миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларини белгилаб беришга, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш, тенг рақобат ва электрон медиабозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратади. Бундан ташқари, телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасидаги рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобиль ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболи янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш имконини беради, деган умиддамиз.

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва мезанизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилишга ҳам бевосита алоқадор. Ушбу вазифани амалга ошириш учун «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилган. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини янада кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар сирасига киради.

«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, бунинг учун рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифани ҳал этишга хизмат қилади.

Шубҳасиз, юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Жўрабек ШОДИЕВ,
Тошкент давлат юридик институти доценти

Ҳамкасб

Заҳматкаш қаламкаш

Узоқ йиллар қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилган раҳматли Ҳамдам ака фарзандлари орасида негадир айнан Рустамнинг ўқитувчи бўлишини, ўз касбини давом эттиришини жуда-жуда истаганди. Ёшлигидан ота касбини эгаллашга бўлган ҳавас ўсмирни аъло баҳоларга ўқишга даъват этарди. У, айниқса, химия, физика, биология, тарих, она тили ва адабиёт фанларидан ўтиладиган сабоқларни тез ўзлаштиришга қобилиятли, изланувчанлиги билан тенгдошлари ва устозларини ҳайратда қолдирарди.

Юқори синфларда ўқиётган пайт Рустамнинг яна бир иқтидори намоён бўлди. Унинг мактаб ва қишлоқ ҳаётига доир каттакичик хабарлари ва мақолалари туман газетасида Чоп этила бошлади. Бир умр муаллимлик қилиб обрў топган Ҳамдам ака ўғлидаги бу қизиқиш ва иқтидорни сезиб, муаллимлик касбини эгаллашига қистамай қўйди. Ўқитувчи эмасми, ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиб, мустақил бўлишга ҳаракат қилаётган ўғлининг ижод йўлига кирганидан бирмунча хурсанд бўлди, унга шароитлар яратиб берди.

Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини битириб қайтган Рустам Давлатов туман газетасида бўш ўрин йўқлиги учун вақтинча Қумқўрғон туман ҳокимлигида турли вазифаларда ишлаб турди. Ўзи танлаган касбга бўлган иштиёқи ва атрофдаги камчиликларга бўлган муросасизлик хислати унга сира тинчлик бермасди.

Тўқсонинчи йилларда Сурхондарё вилоятида ташкил этилган "Тадбиркор" газетасида иш бошлаган Рустам Давлат ўзининг ихчам-ихчам хабару мақолалари, долзарб мавзудаги репортажу очерклари билан газетхонлар назарига тушди. Қалбида ёшлик ғайрат-шижоати жўш урган қаламкаш турмушдаги рўй бераётган қонунбузилишлар, тартибсизликлар ва камчиликларни акс эттирган танқидий мақолалар ёзарди. Унинг қаламига мансуб ҳар бир мақола ва корреспонденцияларда албатта, бирор бир янги долзарб муаммоли мавзу кўтариларди. Унинг рангбаранг мавзудаги танқидий ва публицистик материаллари республика нашрлари, хусусан "Мулкдор", "Правда Востока", "Туркистон", "Оила ва жамият" газеталарида чоп этилиб, кўплаб газетхонлар қалбидан жой олди.

Йиллар оша қалами чархланиб, маҳорати ўсган Рустам Давлат бир муддат вилоят ҳокимлиги муассислигида нашр этиладиган "Сурхон тонги" газетаси таҳририятида ҳам хизмат қилди, ўзининг ўқишли ва долзарб мавзудаги мақолалари билан ҳамкасблар ўртасида танилди.

Айниқса, Касаба уюшмалари ҳаётига оид мақоланинг қизиқарли, пишиқ-пухта тайёрлаши барчага манзур бўлди. Тез орада унинг бу борадаги қобилияти ҳисобга олиниб, у республика касаба уюшмалари федерацияси муассаслигида чоп этиладиган "Ишонч" — "Ишонч-доверие" газеталарининг Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбири вазифасига ишга таклиф этилди. Шу-шу Рустам Давлат мазкур вазифада баракали меҳнат қилиб келаяпти. Газетанинг деярли ҳар бир сонида унинг қаламига мансуб хабар, очерк, репортаж ёки публицистик материалларни кўриш мумкин. Қилган меҳнатлари самараси ўлароқ, журналист яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг "Инсонга наф келтириш — олий бахт" республика танловида биринчи ўринни қўлга киритди.

У ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасидан хабардор. Сурхон воҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан тортиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги янгиликлар, хушхабарларни газетхонлар биринчи бўлиб унинг мақолалари орқали танишади. Буларни ўз вақтида илғаш ва матбуотда илдамлик билан ёритиш журналистдан катта маҳорат талаб қилади. У мана шундай тиниб-тинчимас, бугун уни Бойсунда учратсангиз, эртага эса олис Сариосиё ёки Денов туманида кўришингиз мумкин...

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

Инсон борки, ҳар томонлама яхши яшашни орзу қилади: уйи-жойи, иш-ўрни, нон-намаги бўлсин... Яна у истиқомат қилаётган қишлоқ, посёлка ё шаҳарнинг кўчалари, гузарлари саранжом-сариштали, одамлари меҳр-оқибатли, тартиб-интизомли, қисқаси, жону жигарингдек бўлсин...

ЮРТНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ОБОД ЭТАДИ

Мавлоно Румий инсонни боғ хаёли боққа, дўкон хаёли дўконга бошлайди, дейди. Модомики, биз бир миллат ўлароқ озод ва обод мамлакатда яшашни орзулаган эканмиз, бундай ниятга эришмоқ имкони ўз қўлимизда, деб ўйлайман. Бино тархи аввал муҳандиснинг хаёлида, ўйу фикрида пайдо бўлади, кейин у қоғозга тушади, сўнгра эса воқеликка айланади, дейди яна ҳазрат Румий.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида Юртбошимиз олдимизда турган стратегик мақсадларни "замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш..." дея таърифлайди. Кўринадики, мақсад-муддаомиз бор, боргина эмас, у беш қўлдек аён, энди ҳамма гап унга босқичма-босқич эришишда қоляпти. Маърузада манзилга боришнинг ўзига хос тадбирлари ҳам баён этилган.

Дарҳақиқат, ҳар жиҳатдан дунёнинг энг илғор давлатлари сафидан ўрин олиш қанчалик шарафли бўлса, яна шунча машаққатли ҳамдир. Бу эзгу ниятга етмоқ учун эса мазкур саъй-ҳаракатлар мазмунмоҳиятини чуқур англаб етадиган ва, ўз навбатида, атрофдагиларга юқтирадиган фаол, ҳалол ва билимли фуқароларга, жамиятнинг ҳар бир соҳасида сидқидилдан меҳнат қиладиган кадрларга эҳтиёжимиз бор. Чунки мақсадимиз ғоят салмоқли, унга биргина истакнинг ўзи билангина етишиш амримаҳол. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари кадрлар масаласига маърузанинг "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш" тўғрисидаги бобида алоҳида урғу бериб ўтади: "Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди". Чиндан ҳам малакали кадрлар масаласи юқорида зикр этилган умумий мақсад-муддаомиз билан чамбарчас, узвий боғлиқдир. Ушбу масалани бугун тўғри ва оқилона ҳал қилиш келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевор ҳисобланади, ҳатто у шу даражада муҳимки, Президентимиз И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида яна ўқиймиз: "Ҳозирги кунда 2011-2015 йилларда Олий ўқув юртларини ривожлантириш дастури тайёрланмоқда ва ушбу ҳужжат яқин вақт ичида қабул қилинади. Дастурдан кўзланган асосий мақсад — олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув, лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир".

Шубҳасиз, бугун мамлакатимизда том маънода фидойи, айни дамда замонавий илмни пухта эгаллаган ва уни ҳаётга тўғри татбиқ қила оладиган илғор, уддабуррон кадрлар жуда-жуда керак. Зеро, ўзгариб, турланиб бораётган шиддатли дунёнинг бугунги авзоини ҳисобга олиб фикр юритадиган бўлсак, айтиш жоизки, бизга Ватанимизнинг озод ва ободлигидан ташқари сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши ҳам сув ва ҳаводек қадрли. Юртнинг ҳар бир бурчагида зиммасидаги вазифани адо этаётган кадрнинг ҳушёрлиги, ватанга бўлган самимий муҳаббати, мана шу муҳаббатдан асло қолишмайдиган билимли бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Ва бу хислатларнинг барчаси эзгу манзилга, миллат истиқболининг умумий мақсадига йўналтирилаётгани айни муддаодир.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» моҳият-эътибори билан ана шундай мустаҳкам давлатни барпо этишга қаратилган бўлиб, у ўз атрофида ҳаммамизни бирлаштира оладиган умуммиллий кучга эгадир.

Улуғбек ҲАМДАМ,
ёзувчи

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ НИЯТИДА

Швециянинг чакана савдо билан шуғулланувчи IKEA концерни жорий йилда Россиядаги ўзининг савдо марказларини модернизация қилишни режалаштирмоқда. «Интерфакс» агентлигининг хабарига кўра, бунинг учун 50-100 миллион евро атрофида маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Концерннинг Россиядаги генерал-директори Пер Вендшлагнинг сўзларига қараганда, тез орада савдо марказларининг замонавийлиги, хавфсизлиги ва даромад келтириш даражаси ўрганиб чиқилади.

Маълум қилинишича, айни пайтда Россияда концерннинг бошқа хорижий мамлакатлардаги шохобчаларига нисбатан савдо-сотиқнинг тез ўсиши кузатиляпти. Шу боис ҳам концерн бу имкониятдан ўз вақтида фойдаланиб қолиш ниятида. Ваҳоланки, 2009 йилнинг ўрталарида IKEA раҳбарияти Россия Федерациясида янги лойиҳаларни амалга оширишни тўхтатишини билдирган, бунга эса маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги сабаб қилиб кўрсатилган эди.

Эслатиб ўтамиз, IKEA мебель ва уй-рузғор буюмлари савдоси билан шуғулланувчи энг йирик савдо ташкилотларидан бири ҳисобланади. Компания 36 мамлакатда 270 га яқин савдо марказларига эга. Россия бозорига эса у 2000 йилда кириб келган.

ПОРТЛАШЛАР ОҚИБАТИ

Доғистоннинг Карабудахкент районидаги Губден аҳоли пунктида портлашлар содир этилди. Бунинг оқибатида, дастлабки маълумотларга қараганда, йигирмага яқин киши жабр кўрган, ҳалок бўлганлар бор.

Дастлабки портлаш кечки пайт милиция бўлими биноси олдида рўй берган. Натижада бир нафар ички ишлар ходими ҳалок бўлган, тўрт киши турли даражада жароҳат олган. Орадан бир неча соат вақт ўтгач, Губденга кириш постида машинага ўрнатилган яна бир қўлбола бомба портлаган.

Иккинчи портлаш бир кишининг ўлимига сабаб бўлган. Шу билан бирга, 16 киши жароҳатланган. Уларнинг аксарияти милиция ходимлари ва ҳарбий хизматчилардир.

ГОНДУРАСДА АВИАҲАЛОКАТ



Гондурасда хусусий самолёт ҳалокатга учради. «Agence France-Presse» тарқатган хабарга қараганда, ҳалокат пойтахт Тегусигальпи шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда содир бўлган.

Ҳалокат пайтида самолёт бортида учувчилардан ташқари йигирма нафар йўловчи ҳам бўлган. Дастлабки хабарларда келтирилишича, тахминан ўн киши оламдан ўтган. Шу жумладан икки нафар учувчи ҳам. Шунингдек, улар орасида собиқ иқтисодиёт вазири Карлос Чаин ҳам бор. Қолган йўловчиларнинг соғлиғи, ҳолати тўғрисида аниқ маълумотлар айтилмаяпти. Айни вақтда авиаҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ...МИ?

Ҳукумат тепасига келган Миср Қуролли кучлари олий кенгаши собиқ судья Тариқ ал-Башрини мамлакат конституциясига тузатишлар киритиш билан шуғулланадиган қўмита раҳбари этиб тайинлади. У суд-ҳуқуқ тизимида ўзининг мустақил қарашлари билан танилган.

Олдинроқ янги ҳукумат вакиллари конституция ўн кунда яратилишини ваъда қилишганди. Ҳозир эса икки ой ичида янги конституцияни қабул қилиш бўйича референдум ўтказилиши айтилмоқда.

14 февраль куни эса мамлакат пойтахти ва бошқа шаҳарлардаги корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда иш ташлашлар бўлиб ўтди. Иштирокчилар ойлик иш ҳақларининг камлиги ва меҳнат шароитларининг ёмонлигидан норозилик билдирдилар.

Ҳукумат вакиллари бунга жавобан мамлакат аҳолисидан митинг ва иш ташлашларни тўхтатишларини сўради. Айрим манбаларда эса намойишлар расман тақиқлангани билдирилмоқда.

СОБИҚ ГУБЕРНАТОР ЯНА КИНОДА



Калифорния (АҚШ)нинг собиқ губернатори Арнольд Шварценеггер ниҳоят кинога қайтганини тасдиқлади.

63 ёшли актёр ва сиёсатчининг актёрлик соҳасига қайтиши тўғрисида жорий йил бошида гап-сўзлар тарқалганди. Ўшанда унинг таниқли кинорежиссёр Рэндол Уоллис томонидан бош роллардан бири таклиф этилгани айтилган эди. Маълумки, бу режиссёр ўзининг «Довюрак», «Перл-Харбор» ва «Темир маскали одам» номли фильмлари билан довруқ қозонган.

Арнольд Шварценеггер 2003 йилдан 2011 йилгача Калифорния штати губернатори лавозимида фаолият юритди. Бу вақт давомида у фақат битта фильмда, яъни Сильвестр Сталлоненинг «Шиддаткор» фильмида роль ижро этди, холос.

НЕАНДЕРТАЛЛАР "ТАОМНОМАСИ"ДА ЎЗГАРИШ

Неандерталл одамлар фақат гўшт истеъмол қилишган. Яқинда бу илмий хулоса тўғри эмаслиги аниқланди. Бу ҳақдаги тадқиқот натижалари Proceedings of the National Academy of Sciences журналида чоп этилди.

Олимлар Европа мамлакатлари ва Ироқ ҳудудидан топилган одам тишларини ўрганиб чиқишди. Тишлар орасида қолиб кетган турли хил ўсимлик уруғлари ҳамда илдиз ва тугунаклари мутахассисларни ҳайратга солди. Бу неандерталлар "таомномаси"га баъзи ўсимликлар ҳам кирганининг биринчи аниқ исботи бўлди. Чунки шу кунгача олимлар ҳатто қадимги одамлар овқат тайёрлашда ишлатган буюмларда ҳеч қандай ўсимлик қолдиқларини топишмаган эди. Homo neanderthalensisларнинг турар жойларида, ғорларда бунгача ўсимлик дунёсига оид баъзи топилмалар бўлган, лекин ҳеч ким қадимги одамлар уларни бу ерларга билмаган ҳолда олиб кирган, деган фикрга қарши чиқолмаган эди.

АЖОЙИБ ТОПИЛМА

Олимлар Шарқий Тимор оролида изланишлар олиб бориб, ажойиб топилмага – ғор деворларига ўйиб ишланган инсон юзи тасвирига дуч келдилар. Бу ўзига хос қадимий тасвирий санъат асарининг ёши тахминан 10-12 минг йилга тенг.

Айтиш жоизки, тадқиқотчилар аслида улкан каламуш қолдиқларини қидиришаётган эди. Бу петроглиф (тошга ўйиб чизилган расмлар шундай аталади)ни тасодифан кўриб қолишди. Турли мураккаб таҳлиллардан сўнг расмнинг ёши аниқланди. Шунингдек, тасвирланган юз кўриниши қадимий австралияликларга хос эканлиги ҳам маълум қилинди. Шу боис, минг йиллар муқаддам Шарқий Тиморга Австралия аҳолиси келиб, муқим яшаб қолгани тахмин қилинмоқда.

Дарвоқе, петроглифлар асосан Австралия ва Тинч океанидаги ороллларда учрайди.

ТИНЧ ОКЕАНИ БЎЛИНАДИ

Олимларнинг таъкидлашича, Тинч океани келажакда иккига бўлиниши мумкин.

Океаннинг литосфера қатламида рўй бераётган тектоник жараёнларни кузатиш натижасида сўнгги етти миллион йил ичида бу қатлам иккига бўлингани аниқланган. Маълум бўлишича, ҳозир Тинч океани тубида уни икки қисмга ажратишга қодир тоғ тизмаси ҳосил бўлган.

ЮРАК КЛАПАНИНИ ТИКЛАШ ИМКОНИ



Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, ҳозир дунёда 600 мингдан кўпроқ инсон юрак клапанини алмаштиришга муҳтож. Энди уларда умид чироғи ёнди.

Лондондаги Фан, техника ва тиббиёт Импер коллежи олимлари Магди Якуб бошчилигида 10 йиллик тадқиқот ишларини олиб боришди ҳамда инсон миясида юрак клапани фаолиятига жавоб берадиган тўқималарни ўстириш йўлларини аниқлашди. Олимлар тез орада бу тўқималарни юрак қафасида ўстириш имкони топилишига ҳам ишонмоқда.

Интернет хабарлари асосида Т.ШУКУРОВ тайёрлади.

Дунё матбуоти саҳифаларида

«The Washington Post» (АҚШ)

СИМСИЗ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ УЧУН 18 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР САРФЛАНАДИ

The Washington Post
Democrats Still Lack Favorite For 2004
U.N. Chief Backs New Iraqi Council
Liberian Forces Push Back Rebel Thrust Into Capital
A Lone Woman Testifies To Iraq's Order of Terror

АҚШда симсиз интернет тармоғини ривожлантириш учун федерал бюджетдан 18 миллиард доллар маблағи ажратилади. «The Washington Post» газетаси ана шундай хабар тарқатган.

10 миллиард АҚШ доллари симсиз интернет тармоғига тезкор ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этишга йўналтирилса, 5 миллиарди мобил-интернет тизимини тўлақонли шакллантиришга сарфланади, деб таъкидланади газетада. Шунингдек, турли тадқиқотлар олиб бориш учун 3 миллиард доллар ажратилади. Ана шундан сўнг кейинги беш йил ичида мамлакат аҳолисининг 98 фоизи юқори тезликда ишлайдиган симсиз интернет хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

«Ўтган йилнинг март ойида, – деб ёзади газета, – кенг қамровли миллий дастур ишлаб чиқилган эди. Мазкур дастур америкаликларга интернетдан тўла фойдаланиш имконини беради. Дастурга мувофиқ, 2020 йилга бориб АҚШ дунёдаги мобил-интернет тизими энг ривожланган мамлакатга айланиши лозим.»

«Montreal Gazette» (Канада)

КАНАДА БИЗОНЛАРИ РОССИЯДА

The Gazette
City in driver's seat on FTs return
kindle edition

«Montereal Gazette»нинг хабар қилишича, «Элк Айланд» миллий парки келгуси ойда 30 та бизон бузоқларини дунёнинг энг совуқ ҳудуди ҳисобланмиш Саха (Ёқутистон Республикаси)га жўнатишга тайёргарлик кўряпти.

Шимолий Америка иқлимига мослашган бу қорамоллар аниқ мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган лойиҳанинг иккинчи босқичига асосан жўнатилмоқда.

2006 йилда 30 та шундай ўрмон жониворига барча эҳтиёт чоралари кўрилиб, самолёт орқали Ёқутистонга жўнатилган эди. Улар айни пайтда Саханинг -60 совуғига мослашиб кетди.

Бу лойиҳа «Элк Айланд» миллий парки жойлашган экологик танг аҳволдаги Эдмантон чегара ҳудуди жониворларини қутқариш мақсадида амалга оширилмоқда.

«Haaretz (Исроил)»

МИСР ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНИДА НЕТАНЬЯХУНИНГ ЖИМ ТУРГАНИ АФЗАЛ

HAARETZ
EYES ON ZIMBABWE

Газета таҳририятининг мақоласида шундай фикрлар баён қилинди. Маълумки, Мисрда юз берган оммавий норозиликлардан 18 кун ўтиб, мамлакат президенти Хусни Муборак ўз лавозимидан воз кечди.

Шундай қилиб, 30 йил муттасил давом этган бошқарув якун топди. Ҳокимият халқ истагини амалга оширишни ваъда қилаётган ҳарбий амалдорлар қўлига ўтди.

Воқеаларни сабр-тоқат билан кузатиб турган экспертлар ҳам муаммони бундай ниҳоя топишини кутишмаганди.

Бўлиб ўтган ҳодисот, энг аввало, Мисрнинг ён қўшниси бўлган Исроилни ташвишга солиб қўйди. Чунки шу пайтгача икки қўшни бир-бирларини етарли даражада синовдан ўтказишганди. Энди Исроил ҳокимият тепасига келган янги қўшнилар билан тил топишиш учун йўл излашга мажбур.

Шу боис, Биньямин Нетаньяху шу кунларда одатдагидан кўра босиқроқ бўлгани маъқул, дейишмоқда сиёсатдонлар. Чунки қўшнинг тинч, сен тинч, деган мақол ҳамма миллатга тегишли эканини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда.

«The Financial Times»

КОЛУМБИЯ ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРМОҚЧИ

FINANCIAL TIMES
Dollar falls to record low

Газетанинг ёзишича, Хитой Колумбияга янги темир йўл қуришда ёрдам бериши мумкин. Айни пайтда икки томонлама музокаралар олиб борилмоқда.

Мазкур темир йўл тармоғи Колумбиянинг Тинч океани қирғоқларидан то Кариб денгизи соҳилларида жойлашган Картахен шаҳригача етиб боради. Унинг узунлиги 220 километрни ташкил этади. Темир йўлнинг лойиҳа қиймати ҳозирча ошкор этилмаяпти.

Колумбия президенти Хуан Мануэл Сантоснинг фикрича, машҳур Панама каналига нисбат берилган ҳолда «қуруқ канал» деб номланаётган ушбу темир йўлнинг бунёд этилиши АҚШ билан эркин савдо-сотиқ қилиш тўғрисидаги келишувга эришиш муҳим ўрин тутиши мумкин.

1904-1920 йилларда қазилган Панама каналида ҳар куни 14 мингга яқин турли хил кемалар қатнайди.

Олам кенг, савдоси турфа



АҚШнинг Аризона штатидаги мактабларнинг бирида отишма юз берди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Ўн беш ёшли болакай мактабга яширинча қурол олиб келиб, ўз ўқитувчисига қарата ўқ узган. Полициячиларнинг айтишича, бунга ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги жанжал сабаб бўлган. Ёмон баҳо олган бола устозидан қасд олмоқчи бўлган. Таъкидламоқ лозимки, Америкада бундай аянчли воқеалар тез-тез такрорланиб туради.

* * *

Бразилия чангалзорларида яшовчи номаълум қабила аниқланган. Яшаш тарзи жуда оғир ва ғайриодатий мазкур қабила аъзолари асосан тропик ўсимликлар билан озиқланар экан. Пальма шохларидан ясалган уйчалар қабила вакиллари учун бошпана вазифасини ўтайди. Қабила аъзолари, шунингдек, ов жараёнида темирдан ясалган ханжар ва болтадан фойдаланади.

Ҳозир мутахассислар бу қабиланинг келиб чиқиш тарихини ўрганмоқда.

* * *

ИТАР-ТАСС тарқатган хабарга кўра, сомалилик денгиз қароқчилари Жанубий Кореяга тегишли «Кеумми 305» балиқчи кемани озод қилган. «Кеумми 305»да 39 нафар денгизчи, икки кореялик ва икки хитойлик фуқаро бўлган. Мазкур кема ўтган йилнинг 9 октябрида Ламу ороли яқинида қароқчилар томонидан қўлга олинган эди.

Куни кеча эса қароқчилар Уммон қўлтиғида Грециянинг "Айрини ЭсЭл" танкерини қўлга олди. Танкерда 1,8 миллион баррел нефть олиб кетилаётган эди.

"ЭКОТЕРРА Интернейшнл" ташкилотининг тарқатган маълумотига кўра, шу кунгача Сомали денгиз қароқчилари томонидан 48 кема ва 800 дан ортиқ денгизчи ўғирланган.

* * *

Тайбэе ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, январь ойида Тайваннинг валюта захираси мамлакат тарихида рекорд даражани, яъни 387,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

Айрим мутахассислар Тайван иқтисодининг бундай ўсишига хориждан киритилган инвестицияни асосий сабаб сифатида кўрсатаётган бўлса, бошқалари евронинг қиймати пасайгани билан изоҳламоқда.

* * *

Рейтер ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Покистоннинг шимоли-ғарбида содир этилган портлаш оқибатида 27 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, 40 дан ортиқ киши жароҳатланган.

Портлаш Мардан шаҳри яқинидаги ҳарбий базада машғулотлар пайтида содир этилган. Ҳозир портловчи модда бу ерга қандай олиб келингани юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2006 йили мазкур ҳарбий базада экстремистлар ҳужуми оқибатида 36 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган эди.

* * *

Тулуз университети олимлари фалаж хасталигини даволашга қодир препарат яратдилар. «Прозак» номли ушбу дори бош мияга қон қуйилиши оқибатида фаолиятини тўхтатган тана аъзоларига қайта «жон» беради.

Шифокорларнинг сўзларига қараганда, мазкур хасталикка чалинган айрим беморлар физиотерапия курслари билан шуғулланиш баробарида янги препаратни ҳам истеъмол қилган. Тўқсон кунлик даволаниш эса аъзолар фаолиятини салкам икки баробар фаоллаштирган.

* * *

Хитойнинг «Shangdi Guanqun Investment» давлат компанияси Шимолий Кореянинг Расон шаҳридаги эркин иқтисодий зонага 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратди. Сармоя мазкур ҳудудни иқтисодий зонадан саноат зонасига айлантиришга сарфланади. Компания вакилларининг айтишича, шаҳарда кўмирни қайта ишловчи завод, темирйўл, автомагистрал ва денгиз порти қурилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Шимолий Кореяда яна уч йирик – Кэсон, Синичжу ҳамда Кимган иқтисодий зоналари мавжуд.

* * *

Уч юз метр баландликдан қулаган шотландиялик альпинист тирик қолди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Энг қизиғи унинг бирор аъзосига шикаст етмаган.

Бахтсиз ҳодиса Буюк Британия оролидаги Бен-Невис тоғида содир бўлган. Айтишларича, альпинист омон қолганининг ўзи бир мўъжиза. Боиси бундай тепаликдан қулаган киши ҳеч қандай жароҳатларсиз тирик қолиши жуда ноёб ҳодисадир.

(ЎзА)

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; E.mail: oao@post.uz

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАҲСУЛИ

— Ичкарига кириш мумкин эмас. Сигирлар жуда нозик. Ҳозир карантин. Яқинда "Ёшлар" телеканалидан ҳам келиб, тасвирга ололмай қайтиб кетишганди.

"Тано" хусусий наслчилик фермер хўжалиги мутасаддилари билан телефон орқали бўлган суҳбатимиз шу тарзда якун топди.







Орадан бироз вақт ўтиб, яна сим қоқдим: "Майли ичкарига кирмайман. Фақат баъзи маълумотларни олсам бўлди..." Хуллас, у дедим, бу дедим, ахийри фермер хўжалиги раҳбарининг телефон рақамини олдим. Раҳбар қаттиққўл одам экан. Суҳбат орасида мени ноқулай аҳволга солиб қўйди: "Бизни матбуотда ёритсанг, кейин газеталарингга обуна ҳам бўламизми?" Кейин билсам, мендан олдингилар шундай йўл тутишган экан...

Мухбирлик фаолиятим давомида ҳали унча тажриба тўплаб улгурмаган эсамда, барибир икки ҳафта деганда раҳбарни учрашувга кўндиришга муяссар бўлдим.

2006 йили Акром Газибаев Юқори Чирчиқ туманидаги мазкур фермер хўжалигига етакчилик қила бошлади. 800 миллион сўмлик кредит олиб, Голландиядан 295 бош зотдор сигир, уларга керакли технологияларни келтирди. Дастлаб жониворларнинг худуд ҳавосига мослашиши бироз қийин кечди. Бир-иккитаси нобуд ҳам бўлди. Бироз муддат ўтиб, болалаган сигирлар аста-секин маҳаллий муҳитга мослаша бошлади.

Сунъий уруғлантириш йўли билан кўпайтирилаётган бу сигирлар одам бўйи билан баробар, ҳар йили 200 бош бузоқ олинади. Ҳозир сигирлар 453 бошга етди. Шундан 190 таси соғин, 130 таси ғуножин ва 45 таси буғоз қорамоллар, қолгани бузоқлардир.

— Фермер хўжалигимизнинг 421 гектар ери бўлиб, давлатга топшириш учун буғдой, шоли ҳамда чорва учун ем-хашак, лавлаги, жўхори, беда маҳсулотларини етиштирамиз, — дейди хўжалик раҳбари. — Бундан ташқари Россия технологияси асосида "Камилка" цехини ташкил этганмиз. Бу ерда сигирлар кунига 2,5 тонна сут қайта ишланиб, сут, қатиқ, қаймоқ, творог, сметана каби харидоргир маҳсулотлар аҳолига етказиб берилмоқда. 86 нафар ишчи-хизматчиларимизнинг уч маҳал овқатланиши хўжалигимиз ҳисобидан. Улар учун ётоқхона ҳам бор.

Хўжаликда қорамоллар турига қараб ажратиб боқилар экан. Энг қизиғи, соддароқ ифодалаганда, "туғруқ" ҳамда "боғча" бўлимлари мавжуд. Сигирларнинг туғиш вақти яқинлашганда алоҳида назоратга олинади. Бузоқлар ўн кунча онаси билан бирга, сўнг ўзлари учун ажратилган жойга ўтказилиб, парваришланади.

— Бузоқларнинг қулоқларига рақамланган махсус елим сирғалар ўрнатамиз, — дейди ниҳоят бизни фермер хўжалиги ишлари билан таништиришга рози бўлган иш бошқарувчиси Исо Соатбоев. — Бу усул уларнинг соғлиғини назорат қилишда қўл келади. Ветеринарлар кечаю кундуз улардан хабардор бўлиб туришади. Замонавий бизнес ана шундай сергакликни талаб қилади.

Фермер хўжалиги илғор технологиялар билан жиҳозланган. Ем-хашак махсус машиналар ёрдамида озуқа билан омухталангач, белгиланган вақтда охурларга тўкилади. Гўнгни компьютерлаштирилган қурилма тозалаб, муайян ишловлардан ўтказади. Кейин ўғит ҳолида керакли жойларга жўнатилади. Ишчилар эса техникалар иш маромини назорат қилади, холос.

Албатта, ўқувчиларимизни сигирларни соғиш жараёни қизиқтириши табиий. Шунинг учун хўжаликнинг асосий фаолияти билан танишиб чиққан бўлсак-да, бу жараённи кузатиш учун соғин вақти — кундузги соат иккини кутишга тўғри келди.

Буни қаранг, жониворлар белгиланган вақтда навбат билан соғиш хоналарига келиб жойлаша бошлади. Ишчилар елинларига махсус мосламаларни ўрнатишди. Ва қурилма елиндаги сутни идишларга соға бошлади. Идиш тўлгач, сут трубалар орқали катта совутгичга бориб тушар, совутгичдан эса қайта ишлаш цехи томон юборилар экан. Бир кеча-кундузда уч маротаба соғиладиган сигирлардан ўрта ҳисобда 20-22 литрдан сут соғиб олинмоқда. Хорижий мамлакатлардаги фермер хўжаликларига солиштирганда бу албатта унча катта бўлмаган кўрсаткич. Аммо бу ҳозирча бошланиши...

Ушбу жараённи ҳам кузатиб бўлгач, маҳсулотни қайта ишлаш цехига ўтдик. Цехда иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, ҳар сменада 8 ишчи меҳнат қилади. Кундузги смена ишчилари — Зилола Ҳамзаева, Феруза Тўлаева, Дилшод Йўлдошев, Нодир Нишонов ва бошқа ходимлар қатиқ маҳсулотини идишларга қадоқлаётганига деч келдик.

— Бу йилги асосий вазифаларимиздан бири цехни кенгайтириш, — дейди бошлиқ Равшан Юнусов. — Бунинг учун Голландия ва Италиядан 10 тоннагача сутни қайта ишловчи замонавий технологик қурилмалар олиб келишни режалаштирганмиз. Шунда фермер хўжалигимиздан чиқаётган барча маҳсулотни ўзимиз қайта ишлаб, буюртмачиларга етказиб беришнинг имкони туғилади.

Тошкент вилояти ҳамда пойтахт аҳолисига кунига 4 тоннадан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари етказиб бераётган фермер хўжалиги амалга ошираётган хайрли ишларни кўриб, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йили давомида соҳада эришилган сифат ўзгаришлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан қолишмаётганига, келгусида шу сингари ишлар одатий ҳол бўлишига яна бир бор амин бўлдик.

Фермер хўжалиги жамоаси билан хайрлашарканмиз, эшитганларимизнинг барчасини кўз билан кўрганимиздан кўнглимиз ёришди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида мана шундай тадбиркор ва ишбилармонлар сони янада кўпайиб, аҳоли фаровонлиги, дастурхонлар тўкинлиги йўлида чарчамасдан хизмат қилаверишсин, дея ният қилдик.

Фозил ЖАББОРОВ,
"Hurriyat" мухбири

Эл соғлиги — юрт бойлиги

Саломатлик соқчилари

Бугун мамлакатимизнинг қайси тумани, қайси қишлоғи ё овулига борманг, аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида барча шарт-шароитлар яратилганининг гувоҳи бўласиз. Буни Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани мисолида кўриш мумкин.

Туман марказий шифохонаси гўзал масканда жойлашган бўлиб, унинг атрофини бир гектарлик манзарали ва мевали дарахтлардан иборат боғ ўраб туради. Жорий йилда бу ерда узумзор барпо этиш режалаштирилган. Шифо масканида жами 76 нафар шифокор ва 400 дан зиёд ўрта бўғин тиббиёт ходимлари аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш борасида фаолият юритмоқда.

Бош шифокор Пўлат Панаев билан кечган суҳбатимизда маълум бўлдики, "Саломатлик-1", "Саломатлик-2 ва "Саломатлик-3" лойиҳалари бўйича шифохонага 96 миллион 502 минг сўмлик янги тиббий жиҳозлар олиб келинган. Бундан ташқари, овул шифокорлик пунктлари 114 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Тез шошилинч тиббий ёрдам бўлимига "Саломатлик-2", "Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш" лойиҳалари орқали иккита "Дамас" автомашинаси берилган.

Туманда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, айни пайтда туман бўйича 12717 нафар туғиш ёшидаги аёл-қизлар бор. Улар тўлиқ диспансерлик назорат-текширувидан ўтказилган.

Шифохонага ташрифимиз давомида бош врач ўринбосари Сеитмурот Жақсимов ҳамроҳлигида туғуруқхона фаолияти билан танишдик. У ерда яратилган шароитларни кўриб, рости, ҳавасимиз келди. Юртимизда инсон саломатлиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасидан бошимиз кўкка етди. Сафаримиз сўнггида эл соғлиғи йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган фидойи шифокорлар ва ҳамшираларнинг эзгу ишларида омадлар тилаб қолдик.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири



Молия муассасаларида

Мақсад сари дадил қадам

Мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкамланаётганига банк муассасалари томонидан иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларига ажратилаётган молиявий ресурслар ҳажми тобора ошиб бораётгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. Зеро, банклар тизимининг ривож топиши иқтисодий барқарорлик ва фаровонлик кафолатидир.

Давлат тижорат Халқ банкининг Жиззах вилояти филиали йиллар давомида тўпланган тажрибадан унумли фойдаланиб, аҳоли ва мижозларга таклиф этилаётган хизматларни ҳар томонлама такомиллаштириб келаётган банклар сирасига киради. Жамоанинг аниқ стратегик режа асосида фаолият юритаётгани иш кўлами ва сифатини ошириш баробарида фуқароларга ҳам манзур бўлмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Натижада банк мижозлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу, аввало, Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат амалга оширилаётгани, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида изчил ислоҳотлар жорий этилаётгани ва бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилгани самараси ҳамдир.

Молия муассасаси айни пайтда ўзининг 12 та амалиёт бўлими, 144 та шохобча, 16 та мини банк, 83 та махсус касса ҳамда 7 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 398 минг 135 та жисмоний ва 7 минг 679 та юридик шахс мақомидаги мижозларга малакали банк хизмати кўрсатиб келмоқда. Айниқса, мижозлар билан ишлаш учун қулай шароитлар яратилгани ҳамда уларга мақсадли қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Жумладан, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, Марказий Банк ҳамда Халқ банки бошқарувлари томонидан тасдиқланган Микромолиявий хизматлар асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг қисқа ва узоқ муддатли кредитларга бўлган талабини қондириш мақсадида ўтган йили 14 миллиард 806 миллион 800 минг сўмлик кредитлар ажратилди. Жорий йилнинг ҳозирги вақтигача берилган кредитлар миқдори эса 4 миллиард 417 миллион 800 минг сўмни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариш мақсадида ҳамда аҳолининг истеъмол кредитларига бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда, 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида 1 миллиард 669 миллион 600 минг сўмлик "Оила фаровонлиги" кредити, уй-жой сотиб олиш учун 542 миллион 700 минг сўмлик "Ипотека" кредитлари йўналтирилди.

Юртбошимизнинг "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 1 миллиард 687 миллион 600 минг сўмлик, "Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 1 миллиард 528 миллион 900 минг сўмлик кредит маблағлари берилгани вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Шунингдек, ҳукумат дастурлари ижросини таъминлаш ва қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида чорвачилик соҳасини ривожлантиришга 601 миллион сўм, паррандачиликни ривожлантириш ва иссиқхона ташкил этишга 279 миллион сўм, асаларичиликни ривожлантиришга 8 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 420 миллион 800 минг сўмлик кредит маблағлари кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва иш билан таъминлаш мақсадида вилоятнинг чекка ҳудудларига ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида юридик шахсларга банк маблағи ҳисобидан ўтган йили 10 миллиард 857 миллион 200 минг сўмлик имтиёзли сармоялар ажратилди. Шундан 1 миллиард 963 миллион 100 минг сўми қисқа ва 8 миллиард 894 миллион 100 минг сўми узоқ муддатли кредитлардир. Қатор фермер хўжаликлари 4 миллиард 297 миллион 100 минг сўм (шундан 365,5 миллион сўм қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш учун) миқдорида узоқ муддатли кредитлар билан таъминланди.

Савдо соҳасига 1 миллиард 988 миллион 100 минг сўм қисқа муддатли кредитлар ажратилган бўлиб, шундан бугунги кунга қадар 958 миллион 200 минг сўми нақд пулда қайтарилиб, хўжалик субъектларига яна қисқа муддатли кредитлар сифатида берилди. Натижада 515 нафар киши, шу жумладан, 204 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борилган ишларда ҳам ижобий натижаларга эришилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, омонатларга 8 миллиард 43 миллион 900 минг сўмлик пул маблағлар жалб қилинишига эришилди. Шу жумладан, талаб қилиб олганча омонатларга 2 миллиард 834 миллион 200 минг сўм, жамғарилувчи омонатларига 942 миллион 900 минг сўм, муддатли омонатларга 1 миллиард 777 миллион сўм, жисмоний шахсларга мўлжалланган 5 минг сўмлик депозит сертификатларига 175 миллион 700 минг сўм, Халқ банкининг пластик карточкаларига 2 миллиард 314 миллион 100 минг сўмлик пул маблағлари қўйилди.

Вилоят бўйича ўтган йил давомида Халқ банки бошқарувининг тегишли қарорлари асосида ташкил этилган "Янги йил тухфаси" ютуқли омонатига 8 миллион 100 минг сўм, "Ижтимоий рағбат" жамғарилувчи омонатига 2 миллион 400 минг сўм, "Сармоя плюс" муддатли омонатига 4 миллион 500 минг сўм, "Антиқа" муддатли омонатига 202 миллион 100 минг сўм, "Кўклам" муддатли омонатига 6 миллион 600 минг сўм, "Жамғарма" ютуқли омонатига 15 миллион сўм, "Умид" муддатли омонатига 5 миллион 200 минг сўм ҳамда "Саёҳат-3" ютуғли омонатига 6 миллион сўм жалб қилинди.

Дарҳақиқат, юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, молия муассасаси янада равнақ топиб, фуқароларга хизмат кўрсатиш кўламини тобора кенгайтирмоқда. Қисқа қилиб айтганда, мамлакатимиз тараққиётига камарбаста бўляпти. Бу молия муассасаси ва унинг барча бўлимлари ходимларининг аниқ мақсад сари дадил одим ташлаётганидан далолат беради.

Ислом СУЛТОНОВ,
«Hurriyat» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Туйғу

Меҳрингизни дариғ тутмаяпсизми?..

Барча камчиликларидан қатъи назар инсонлар ҳар нарсадан ҳам кўпроқ меҳрга сазовордирлар.

И.ГЁТЕ

Фурсат — олий ҳакам. Унинг қаршисида нене буюклар ожиз қолмаган, дейсиз. Кунлар кетидан ойларни, айёмлар, унутилмас қувончлару дилга озор етказган дамларни мана шу вақт ортда қолдириб, келажак сари йўл очиб бораверади. Ишда, кўчакўйда ва яқин инсонлар даврасида "Кунингиз хайрли бўлсин!", "Байрамингиз муборак", "Йилни яхши кутиб олдингизми?" каби хушсўзлар билан бир-биримизнинг кўнглимизни кўтаргандек бўламиз ва айни дамда янги режалар, ниятлар қиламиз.

Тирикчилик ғамида елиб-югуриб, нималарга эришдигу яна нималарни қўлга киритишимиз лозимлиги ҳақида бош қотирамиз. Шу каби ташвишлар билан андармон бўлиб бажарилмай қолган юмушлар хусусида ўйлашга ҳафсала қилмаймиз, очиғи. Аммо бу лоқайдлик фурсат кучи билан бир зумда афсусга айланишини билмаймиз. Кундалик ишларни деб кимнингдир дилини хира қилиб, ўз манфаатимиз, ўткинчи ҳою ҳавас учун бировнинг кўнглини оғритганча манзилга тезроқ етиш учун ўз отимизга қамчи босиб югурамиз.

Бой берилган фурсат билан боғлиқ бир воқеа ҳеч хаёлимдан кетмайди: шифохонанинг жонлантириш бўлими эшиги олдида одам гавжум эди. Сал нарироқдаги сувсиз ариқ лабида дув-дув ёш тўкиб ўтирган қизга кўзим тушди. Унинг пештоқига "Реанимация" деб ёзиб қўйилган катта эшикка маҳтал нигоҳи, ғамдан сўлиб бораётган масъум чеҳраси юракни ўртар даражада аянчли эди. Кимдир қизгинанинг онаси жарроҳлик операциясидан сўнг оғир аҳволда ётганини айтиб қолди.

Кейин анча вақт ўтди. Тақдир мени яна шу қиз билан учраштирди. Аниқроғи, у маҳалламизга кўчиб келди. Юзларига ажин соя солиб улгурибди, кўзлари ҳам алланечук нурсизланган. Кўнглини очганидан сўнггина ҳаммасини тушунгандек бўлдим. Айтишича, ўшанда бошига катта ташвиш тушган, шифокорлар волидасининг ишаб кетишига умид беришмаган, қариндошлар эса ҳар ён тарқалиб кетган бир пайтда яқин дўсти унга ҳамдард бўлган экан. Онанинг ҳаётга қайтишига шу иккала қора кўзгина умидвор, холос. "Мен учун дўстимнинг эртаю кеч елиб-югургани, онамга донорлик қилгани, энг қийин вазиятда елкадош бўлганини қай тил билан айтишни билмайман, — деди у. — Қалбимда дўстимга айтишим керак бўлган самимий сўзлар жуда кўп эди. Афсус... Унга онамнинг оёққа турганларини кўриш насиб этмади. Орадан бир ойча фурсат ўтиб, кутилмаган фалокат туфайли ундан жудо бўлдим. Биласизми, кейинга сурилган ният ҳеч қачон амалга ошмаслиги мумкин, дейилгани тўғри экан. Мен ҳам миннатдорлигимни, дилимдаги сўзларни ўз вақтида изҳор этолмаганим учун армон қиламан...

Хушхулқлик, меҳру оқибат юракда бус-бутун жо бўлиши ҳақида ҳадиси шарифларда ҳам айтиб ўтилган. Булар инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл ва сабрдир. Бинобарин, инсон эҳтимол дунёвий билимларни етарли даражада ўзлаштириб улгурмагандир. Бироқ унинг табиатида андиша, сабру қаноат, эзгуликка мойиллик кучли бўлади. Таассуфки, айрим зиёли, мулойим ва сиртдан олижаноб кўринган инсон руҳан ғариб бўлиши хам мумкин. Демакки, ташқи кўриниш шунчаки "муқова", холос. Мен шундайлардан бирини биламан. У доимо бирор адабиёт мутолаа қилаётгандек ё бўлмаса маънавий мавзуда суҳбат кетганда ўзини кўп асардан бохабардек кўрсатади. Амалда эса... кўрганда саломлашишга ҳафсала ҳам тополмайсан киши.

Маълумотли ва қобилиятли мутахассисга иш ҳам, моддий имконият ҳам топилаверади. Бироқ... Бир парчаланган қалбга малҳам топиш, дарз кетган кўнгил ойнасини тиклаш энг мушкул иш бўлса керак.

Дунё эса ғариб кўнгилларни ёритаётган шамчироқлар эвазига ёруғлашади.

Шоира ШОМУРОДОВА

Ажаб савдолар

«Юр муҳаббат, кетдик бу ердан»

14 февраль куни ҳар доимгидан ҳам барвақт уйғондим. Бугун улуғ боболаримиздан бири, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур тавалуд топган кун. Биринчи қиладиган ишим одатдагидек телевизор мурватини бураш бўлди. Қайси каналга ўзгартирмай, деярли ҳаммасида Бобур ва унинг авлодлари ҳақида сўз борарди. Кимдир "Бобурнома" ҳақида гапиради, кичкинтой ўғил-қизлар болаларга хос соддалик билан ғазал ўқишади. Саҳна кўринишлари, тадбирлар, адабиётшуносларнинг чиқишлари... Хуллас, бугунги кун Ўзбекистон маданий ҳаётидаги ифтихор байрами.



Нонуштадан кейин, кўчага отландим. Борадиган жойларим талайгина. Ғазалхонлик кечаси, адабиётшунослар билан учрашув... Хуллас, автобусга чиқиб, ўриндиққа ўтирдим. Кўча ниҳоятда тирбанд, бир-биридан ўзишга шошилаётган машиналарнинг сигналлари қулоқни қоматга келтиради. Одамлар ҳар кунгидан ҳам шошиб қолишган. Бирови гул кўтарган, яна бирови телефонда тинмай гаплашади. Автобус елдай учиб борар, унинг ойнаси ўзи шундоғам шошилиб юрган кишиларни янаям шошилтириб кўрсатарди.

... Тадбирдан эртароқ чиқдим, ғазалхонлик кечасига ҳам улгуришим керак. Йўл унча узоқ бўлмагани учун сўлим майдон ва хиёбонлар бўйлаб яёв кета бошладим. Ҳар тарафда йигит-қизлар оҳиста, майда қадамлар билан сайр қилишарди. Қизларнинг қўлида гул, юрак шаклидаги шарлар. Эҳ-ҳа, ниманидир фаҳмлагандек бўлдим, ҳар ҳолда Бобур ғазалларини "таҳлил" қилишмаяпти.

Телефонимга янги хабар келди. Курсдош қиздан: "Бугун "Севишганлар куни". Кўнглингизга яқин кишиларингизни табриклаб қўйинг! "Валентин куни" муборак!"

Ҳаммаси тушунарли. Изоҳга ҳожат йўқ.

Қулоғимга таниш овоз эшитилди:

— Сенмисан ўртоқ?

Қаршимда курсдошим, ёнида бир нотаниш қиз ҳам бор.

— Нечук ёлғиз юрибдилар? — деди у кулимсираган қиёфада.

— ...

— "Валентин куни" билан, омон бўл!

Ҳақиқатан ҳам унинг гаплари тўғри. Хиёбонда ёлғиз юрган одамнинг ўзи кўринмасди. Борлари ҳам кимнидир кутаётганга ўхшайди. Кайфиятим тушди. Бир муюлишда туриб қолдим.

Ўз-ўзим билан тортиша бошладим: Ким ўзи Валентин? У бизга қандай "байрам" қолдирибдики, шунга шунча ас-асаю, дабдаба?! Бир-бирларини табриклаётган йигит-қизлардан қайси бири Валентин кимлигини билади? Эҳтимол, биладиганлари ҳам бордир, аммо кўпчиликнинг четдан келиб қолган бундай "байрам"ни кўр-кўрона нишонлашининг боиси нимада? Билмадим. Балки шоир "Севишганлар аслида, эшитмайди, кўрмайди" деганидек, уларнинг қалб кўзлари ҳам сўқир бўлиб қолганми?!

Афсоналарга кўра, эрамиздан аввалги III асрда Рим империяси шаҳарларидан бирида Валентин исмли руҳоний яшаб ўтган. Насронийлик дини пешволаридан бўлган бу роҳибнинг табибликдан ҳам хабари бор экан. Империя учун суронли даврлар ҳисобланган ўша кезларда Рим императори Юлий Клавдий II ўз аскарларининг жангу жадаллар, ҳарбий юришлардан чалғимасликлари учун уларнинг оила қуришларини тақиқловчи фармон чиқарибди. Аммо Валентин ёшларнинг хоҳиш-истакларига қараб, уларни махфий равишда никоҳлашни давом эттирибди. Бундан хабар топган император уни қамашларини буюрибди.

Олий жазога ҳукм этилган руҳоний ўлимидан аввал қамоқхона бошлиғининг қизи — Жулияга кўнглини очиб, изҳори дил мактуби орқали қиз билан видолашибди. Бу сана 14 февраль кунига тўғри келганмиш.

Чиройли ривоят. Ҳиссиётга берилувчан ҳар қандай "ошиқ"-ни бир зумда "маҳв этади". Лекин Шарқ тарихида бундан-да таъсирчан муҳаббат афсоналари камми? Ёки телбавор юрак кўнглидан ҳол сўраши учун муайян бир санани кутиб юриш шартми?

Хаёлимдаги бир-бирига қоришиб кетган фикрларни тартибга солишга уринар эканман, йўл ёқасида: "Ҳой ука, севишганлар кунига сизам гул олмайсизми? Олинг, "Валентин куни"-я, бугун, ҳой ука!" деб охирги гулларини менга пулламоқчи бўлаётган холанинг шанғиллаган овозини эшитиб, бу ерни тезда тарк этишим кераклигини тушундим.

Қанийди имкони бўлса-ю, эрта тонгданоқ бу ерга "ташриф" буюрган "муҳаббат"ни ўзим билан олиб кетсам. Уни бу аҳволда ташлаб кетиб бўлмайди. Ўзбошимча бўлиб кетган муҳаббатни ўз Ватанига — Навоийлар, Бобурлар оламига қайтаргим келарди...

Бобур ЭЛМУРОДОВ

Банк ва мижоз

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

"Агробанк" ОАТБ Сурхондарё вилоят бошқармасининг субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда

AGROBANK

Ўтган йил сарҳисоби республикамиздаги мавжуд барча молия институтлари қатори ОАТ "Агробанк" Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан ҳам кўзланган режалар бажарилганини кўрсатмоқда. Хусусан, банк муассасасининг тадбиркорлик билан шуғулланаётган субъектларни молиявий кўмаги натижасида қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилгани алоҳида эътирофга молик.

Фикримизни рақамлар тимсолида таҳлил қилсак, банк фаолияти салмоғи янада ойдинроқ акс этади. Масалан, биргина кичик бизнес соҳасига ажратилган кредитлар орқали вилоят миқёсида 7 мингта янги иш ўрни яратилди. Бунга эришиш учун банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 21миллиарддан зиёд сўм, меҳнат бандлиги маблағи ҳисобидан 307,7 миллион сўм, ДФХУ жамғармаси маблағи ҳисобидан 285,6 миллион сўмлик кредитлар мақсадли йўналтирилди. Бу борадаги йиллик режа 102 фоизга бажарилди.

Бундан ташқари, "Агробанк" вилоят бошқармаси томонидан йирик лойиҳаларни молиялаштириш ва шу асосда янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётнинг реал секторини, хусусан, саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшилган салмоқли улуш ўтган йилнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "2008-2012 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси учун банк томонидан 19 та лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, бугунги кунгача қиймати 1568,4 миллион сўм бўлган 10 та лойиҳа татбиқ этилди. Айни кунларда эса яна битта лойиҳа (қиймати 500 миллион сўм) амалга оширилмоқда. Умуман олганда, жами қиймати 3458,7 миллион сўм (4110,9 минг АҚШ доллари) бўлган мазкур дастурни амалга ошириш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1011,9 миллион сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш йўли билан 170 минг АҚШ доллари, хорижий кредитлар ҳисобидан 3940 минг АҚШ доллари ва банк кредити ҳисобидан 2386,5 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилиши режалаштирилган. Лойиҳа якунлангач, 734 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Молия муассасаси жамоаси аҳолига пластик карточкалар орқали тўлов тизимини мунтазам амалга ошириш ва бу соҳада мижозларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, юқори хизмат маданиятини шакллантириш борасида ҳам муайян натижаларга эришмоқда. Жумладан, 2010 йил давомида пластик карточкалар 37477 донага кўпайтирилиб, уларнинг умумий сони 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига 113761 тага етказилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига қўйилган терминаллар сони ҳам 2009 йилдагига нисбатан 312 тага кўпайтирилиб, 1183 тага етказилди.

"Агробанк" ОАТБ вилоят бошқармаси одатдагидек ўтган йили агра соҳани ривожлантириш, ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада яхшироқ таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш борасида ўз олдига қўйган қатор вазифаларни уддалашга эришди. Жумладан, бошқарманинг жойлардаги бўлимлари орқали республика "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзагрокимётаъминот", "Ўзгўштсутсаноат", "Ўзбекипаги" ассоциациялари, "Ўзагросервис" республика бирлашмаси ҳамда "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компаниясига қарашли саноат, таъминот, тарқатиш, тайёрлов корхона ва ташкилотларини қисқа муддатли кредитлаш юзасидан фаол кредит сиёсати олиб борилди. Хусусан, "Ўзпахтасаноатсотиш" уюшмаси тизимидаги корхоналарга модернизация ва реконструкция ишлари учун 12943,5 миллион сўм, "Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимидаги машина-трактор корхоналарига қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш мақсадида 7065,4 миллион сўм, "Ўзқишлоқхўжаликкимё" уюшмаси тизимидаги корхоналарга пахта ва ғалла ҳосилини озиқлантириш учун 7514,7 миллион сўмлик кредит ажратилган бўлса, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги дон қабул қилиш корхоналари учун 8516,3 миллион сўмлик кредит маблағлари тақдим этилди. Натижада вилоятдаги аксарият пахта тозалаш заводларида янги технологиялар асосида реконструкция ишлари амалга оширилиб, вилоят қишлоқ хўжалиги техника парки қўшимча равишда техника воситалари билан бойитилди.

2010 йил давомида Қумқўрғон туманидаги "Парранда", Сариосиё туманидаги "Сариосиёдонмаҳсулотлари" масъулияти чекланган жамиятлари, Ангор, Шўрчи, Хайробод, Узун туманларидаги пахта тозалаш заводлари ҳам йил давомида "Агробанк"-нинг вилоят бошқармаси билан қилинган ҳамкорликлар самараси ўлароқ, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи ва сифатини ошириш ҳамда қўшимча янги иш ўринлари яратишга эришдилар.

Юртимизда 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани бошқарма олдига ҳам янада масъулиятли вазифаларни қўйди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурини ижро этиш мақсадида, айниқса, кичик бизнес субъектлари билан янада фаол ҳамкорлик қилиш, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ва бу соҳа вакилларига ҳар томонлама қулай, тезкор банк-молия хизматлари кўрсатилмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда кичик бизнес соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида бошлаб юборилган ишларда "Агробанк" вилоят бошқармаси ҳамда унинг туманлардаги бўлимларининг салмоғи ва ўрни кўзга ташланмоқда. Ўтган йили эришилган ютуқлар бу борадаги ишларни амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Истеъдод гулшани

Осуда осмон остида

Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги Республика рассомлик коллежини мамлакатимиз тасвирий санъати оламига кириш остонаси деса бўлади. Ранг тасвирий санъатимизнинг бугунги кўпчилик дарғалари ҳам, номлари тилга тушиб, кўргазмаларда номи чиқаётган ёш рассомлар ҳам дастлаб шу даргоҳда таҳсил олишган.



Коллеж остонасига қадам қўяр экансиз, аввало, талабаларнинг бири-биридан гўзал, дилбар ҳайкалтарошлик асарларига кўзингиз тушади. Албатта, қўлида олма ушлаб турган гўзал қиз ҳайкали эътиборингизни тортади. Сўнг, ён-верингизга назар солсангиз тойчоғининг жиловидан маҳкам тортиб турган болакай сиймосини кўриб, дилингиз яйрайди. Дарвоқе, бу ҳайкал улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг болалик давридан ҳикоя қилувчи мукаммал асардир. Уни шу коллежда таҳсил олган ёш ҳайкалтарошлар — Евгений Горин ва Фурқат Пошшоевлар диплом иши сифатида яратишган. Муаллифлар адиб образини жонлантириб, унинг портрет — ўхшашлигига ҳам катта эътибор берганига гувоҳ бўласиз.

Қўлларида олма билан сизни қарши олаётган гўзал ва мағрур қиз ҳайкалини эса Санжар Қодиров деган талаба яратган. Яна бир талаба яратган асар руҳи. — Кўза кўтариб, сой бўйига чиққан қизнинг майин жилмайишидан кўнглингизга илиқлик югуради, талабаларнинг ҳам меҳрибон, ҳам талабчан устози таниқли ҳайкалтарош Райҳон Шоабдурасуловадир. Коллеж биносининг лабиринтсимон йўлаклари-ю, айлана ўқув хоналари ҳамда деворларни безаб турган рангтасвир асарларнинг ҳар бири алоҳида талқинталаб мавзу...

Модомики, бошлаган сўзимиз ҳайкалтарошлик асарлари хусусида экан, уни давом эттирсак. Яқинда коллежда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил қилинган "Осуда осмон остида" деб номланган ёш ҳайкалтарошлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиев ўз сўзида ўзбек тасвирий санъатида авлодлар занжири мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзига хос ижодий рухда ўтган бу анжуманда мамлакатимизнинг барча олий ва ўрта тасвирий санъат мактабларида таҳсил олаётган истеъдодли талабалар ҳамда устоз ҳайкалтарошлар иштирок этдилар. Айниқса, "Чўпон бобо", "Сув бўйидаги қиз", "Пахтакор аёл" сингари ҳайкаллар кўпчиликка манзур бўлди. Мотоциклда кампирини мингаштириб кетаётган бобо ҳайкали, рақсга тушаётган қиз, пойгачи, улоқчи йигитлар тасвирланган асарлар ёш ҳайкалтарошларнинг миллий урф-одатларимиз, тарихимизни яхши билишларидан дарак бериб турибди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу ёш ижодкорлар фақат қизиқарли мавзу танлаш билан чегараланмасдан, инсон қомати мутаносиблиги, мушаклар анатомиясини ҳам чуқур ўрганганликлари, яъни касб сирларини ҳам етарли даражада билишлари асарларида яққол ифодасини топган. Мазкур кўргазмада намойиш қилинган асарлар ичида, айниқса, сўфий шоир Боборахим Машраб ҳайкали алоҳида эътиборга лойиқ дейиш мумкин. Асога суянганча шаҳдам қадам ташлаб кетаётган жаҳонгашта шоирнинг қўллари фалакка узалган, қиёфада недир ҳайрат, недир изтироб мужассамлашган... Асар жезда ишланган бўлиб, ашё асарни янада бойитган...

Ёш ҳайкалтарош Иван Шоймардонов эса, улуғ саркарда Амир Темур образини ўзига хос услубда яратган. "Овда" деб номланган бу асарда биз улуғ бобокалонимизнинг ёвқур ва шижоатли йигитлик даври ҳаққоний яратилганини кўрамиз. Шунингдек, Жавоҳир Пиримовнинг "Буюк ипак йўли" ҳам алоҳида бир гўзал асар сифатида диққатингизни тортади.

Ҳайкалтарошлик асарларининг бу ажойиб тўпламида Хонзода Гулмирзаева, Озода Озодова, Сакина Муҳаммаджонова, Лазиза Кенжаева ва Мадина Тошбоеваларнинг муваффақиятли қатнашишлари тасвирий санъатимизнинг бир қадар оғир ва мураккаб бўлган бу жанрига нозик ниҳол қизларимиз ҳам дадил кириб келаётганидан дарак беради. Ву кўргазмада яна ҳажман унча катта бўлмаган турли мавзулардаги ўнлаб асарлар намойиш қилинганини диққатга сазовор.

— Бу асарларнинг аксарияти 2010 — Баркамол авлод йилида яратилган бўлиб, ижодкор талабаларимиз мамлакатимиз ҳаётига, ижтимоий ўзгаришларга бефарқ эмаслигидан дарак беради, — дейди коллеж директори Орзиқул Рўзиев.

Ҳа, кўргазма сўзсиз ёш ижодкорларга кўрсатилган эътибор ўз самарасини берганини яққол кўрсатиб турибди. Кўргазмада "Менинг Бухором" асари энг яхши асар деб топилиб, биринчи ўринга сазовор бўлди ва асар муаллифи, учинчи босқич талабаси Артур Квонга қимматбаҳо эсдалик совғаси топширилди. Асарлари алоҳида диққатга сазовор талабалар ҳам рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирландилар.

Кўп йиллардан буён мазкур коллежда бўлажак ижодкорларга таҳсил бериб келаётган таниқли ҳайкалтарош Райҳон Шоабдурасуловадан кўргазма хусусидаги фикрини сўраганимизда, у шундай деди:

— Кўргазмада қатнашган ёшларнинг кўпчилиги айни вақтда коллежимизда таҳсил олмоқда. Шунингдек, Камолиддин Беҳзод номли рассомлик ва дизайн институтида ҳайкалтарошлик санъати сирларини чуқур ўрганаётган ва бугун кўргазмада иштирок этаётган ёшларнинг ҳам аксарияти шу даргоҳда ўқиган. Кўриб турганингиздек, ёшларимиз истеъдоди ҳаммамизга умид бағишлайди. Бироқ шундай бой ва гўзал кўргазмадан фақат ўзимиз, бир гуруҳ чет эллик меҳмонлар ҳамда талабаларимизгина баҳра олишди. Истардимки, бундай кўргазмалар шаҳримиз хиёбонларида, олий ўқув юртларида ва мактабларда ҳам намойиш қилинса. Халқимиз ҳайкалларда акс этган тарихимизни кўрса, болалар кўриб, ҳавас қилиб, шу касбга майли уйғонса... Фирмалар, банк ходимлари, ишбилармонлар кўрсалар... Ёш ҳайкалтарошларимиз улардан буюртмалар олиб ижод қилсалар, истеъдодларга бу ҳам катта моддий ёрдам, ҳам замон талаблари даражасида ишлаш кўникмаси ҳосил бўларди.

Гулнора РАҲМОН,
рассом



Спорт

ДИНИЯР ТАНҚИДЛАР ОСТИДА

Футбол бўйича Россия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Динияр Билялетдинов Англия премьер-лигаси тур учрашувларидан ўрин олган «Эвертон» ва «Болтон» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган баҳсдан кейин ўйиннинг энг ёмон футболчиси деб эътироф этилди. Бу ҳақда www.rambler.ru сайти хабар тарқатди.

Бундан ташқари, Англия оммавий ахборот воситаларида ушбу футболчига қўрқоқ, худбин ёрлиғи билан мақолалар чоп этилган.

ФАОЛИЯТИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚЧИ

Бундан тўрт йил муқаддам елкасидан олган жароҳати туфайли катта спортдаги фаолиятини якунлаганини маълум қилган австралиялик сузувчи Майкл Клим яна ўзининг севимли машғулотлари билан шуғуллана бошлади.

— Агар Лондон олимпиадасига йўлланма берадиган мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, Англияга бориш бахти насиб этса жуда ажойиб иш бўларди, — дейди спортчи журналистлар билан мулоқот чоғида. — Бунга эришиш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан. Ўйлайманки, албатта, бу орзуим ҳам амалга ошади.

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

WTA (Аёллар теннис ассоциацияси) рейтинг жадвалининг янги варианти эълон қилинди. "Интерфакс" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, ушбу жадвалда биринчи ўринни бельгиялик Ким Клийстерс эгаллаган. Иккинчи ўрин даниялик Каролин Возняцкига насиб этган бўлса, россиялик теннисчи Вера Звонарева учинчи поғонадан жой олди.

ЎСМИРЛАР ЖАМОАСИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАГА ЭРИШДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (U-17) пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинлари доирасида иккинчи назорат учрашувида Қозоғистоннинг "Қизилжар" клубига қарши майдонда тўп сурди. Мазкур беллашувда Алексей Евстафеев шогирдлари Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида бежизга кумуш медалларни қўлга киритмаганини яна бир бор амалда исботлади. Ишончли ғалабага эришилган мазкур учрашувдаги голларга вакилларимиздан А.Маликов ва А.Махситалиевлар муаллифлик қилишди.

Ўқув-машғулот йиғинлари ва кейинги беллашувлар хусусида терма жамоамиз мураббийи қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

— Умуман олганда ўтказилаётган йиғиндан кўнглим тўлмоқда. Жамоанинг асосий таркиб ўйинчиларидан ташқари, бир қатор янги футболчиларни ҳам синовдан ўтказаяпмиз. Очиғини айтсам, уларнинг айримлари яхши таассурот қолдиришмоқда.

Кейинги ўйинлар 16 ва 19 февраль кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган.

ТАНЛОВИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

ЎЗБЕКИСТОНДА 9 000 000 ДАН ЗИЁД АБОНЕНТЛАР ТАНЛОВИ!

МТС бир қадам олдинда

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Уюшманинг Сирдарё вилояти бўлими раиси, «Сирдарё ҳақиқати» ва «Сырдарьинская правда» газеталарининг бош муҳаррири Жумабой Қосимовга акаси
ЭРКИН ҒОЙИБНАЗАРОВнинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Hurriyat» газетаси жамоаси уюшма аъзоси, Самарқанд вилоят Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири Тошпўлат Тошмуродовга ўғли
АСИЛБЕКнинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	**Қашқадарё** —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	**Сурхондарё** —	8-376-396-30-59
Бухоро —	8-365-592-85-02	**Фарғона** —	8-373-225-80-58
Самарқанд —	8-366-233-62-12	**Хоразм** —	8-362-224-73-33
		Навоий —	8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Азим РЎЗИЕВ**

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.40

® — тижорат белгиси.

Адади: 9212 Буюртма — Г-226 12[illegible] 5